



TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI —
O'ZBEKISTON
LIBERAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил
1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXlasr@yahoo.com,
web sayti: www.21asr.uz

2013 йил 28 февраль,
пайшанба, 08 (484)-сон

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

ЁШ ОЛИМЛАР
ЛИГАСИ ТАКЛИФЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛА
БОШЛАДИ

4 Ташаббус

ЭЛЕКТОРАТГА
ЭЪТИБОР МУСТАҲКАМ
ИШОНЧ АСОСИДИР

5 Масъулият

ГЕННОТЕРАПИЯДАН
САҚЛАНИНГ

7 Халқаро ҳаёт

«Аёллар қаноти»

ХОТИН-ҚИЗЛАР
БАНДЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШГА
МАСЪУЛМИЗ

О'zLiDeP Қашқадарё
вилоят кенгаши хотин-
қизлар учун янги иш
ўринлари яратиш,
касаначилиқ, кичик
бизнес ва тадбиркорликни
ривожлантириш ҳамда
уларга имтиёзли
кредитлар ажратилишига
алоҳида эътибор
қаратмоқда

Айни пайтда вилоятда тал-
биркорлик билан шугулланаёт-
ган аёлларнинг асосий қисми
О'zLiDeP аъзолари экани
ҳудудда ёш қизларни турли ўқув-
семинар ва тадбирлар орқали
бизнесга жалб этиш имкония-
тини кенгайтирмоқда.

О'zLiDeP «Аёллар қаноти»
ташаббуси билан ишлаб чиқил-
ган «Тадбиркорлик тамойилла-
ри ва ишбилармонлик имкони-
ятлари» лойиҳаси доирасида ҳам
мингга яқин хотин-қиз қамраб
олинди.

4 >>>

Бунёдкорлик



ХОРАЗМДА
ЙИЛИГА
40 МИНГ ДОНА
«ДАМАС»

Аввал хабар қилинганидек,
Хоразм вилоятида йилига 40
минг дона «Дамас» русумли
автомашина ишлаб чиқариш
ва улар учун бутловчи қисмлар
тайёрлаш режасини амалга
оширишга киришилди.
Вазирлар Маҳкамасининг 2013
йил 21 февралдаги «Хоразм
вилоятида «Дамас» русумли
снгил автомобиллар ишлаб
чиқаришни ташкил этиш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги
қарорига мувофиқ, Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан 2013-2014 ўқув
йилидан бошлаб

«Ўзавтосаноат» АК
буюртмаларига биноан
Хазораст, Қўшқўпир,
Янгиариқ ва Янгибозор
туманлари касб-ҳунар ва
техника коллежлари негизида
автомобилсозлик йўналишлари
бўйича ўқувчилар қабул
қилинади ҳамда профессионал
кадрлар тайёрланади.
Таъкиллаш жоизки, мазкур
лойиҳага асосан «Хоразм
автомобиль ишлаб чиқариш
бирлашмаси» масъулияти
чекланган жамияти негизда
2014 йилнинг дастлабки
чорагидан «Дамас» русумли
снгил автомобилларни йиғиш
ва ишлаб чиқаришга
киришилди. 2014 йилнинг
тўртинчи чорагидан бошлаб
эса ишлаб чиқаришнинг тўлиқ
жараёнига ўтिलाди.

Либерализм тамойиллари

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ
ТОМОНИДАН АСОСЛАБ БЕРИЛГАН
ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»
ТАНИҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБЛАРИ,
СИЁСАТШУНОС ОЛИМЛАР
ТОМОНИДАН АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ
ЭТИЛАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС

Зеро, бунда истиқлол
йиллари қўлга киритилган
беқиёс натижалар, халқи-
мизнинг озод ва обод Ва-
тан, эркин ва фаровон
ҳаёт барпо этиш борасида-
ги ютуқлари ва уларга асос
бўлган изчил ислохотлар
атрофлича таҳлил этил-
моқда. Бу борада ҳуқуқий
давлат ва фуқаролик жа-
мияти қуришнинг жаҳон
тажрибаси ва миллий анъ-
аналарга таянган изчил
ўзгаришлар замирида ин-
сон, унинг ҳуқуқ ва эр-
кинликларини таъминлаш
муҳасам экани, барча со-
ҳалардаги ислохотларда
демократия тамойиллари
ва либерал-демократик
ғояларга амал қилишнинг
самарали йўллари татбиқ
этилаётгани, бунда ўзига
хос прагматик ёндашув-
ларга асосланилаётгани
таъкидланапти.

Бир сўз билан айтган-
да, муштақиллик йиллари
Ўзбекистонда эришилган
улкан ютуқ ва натижалар,
мамлакатимизнинг ривож-
ланиш моделига мос

«Ўзбек либерализми» асосида
шаклланаётгани тан олинмоқ-
да.

Маълумки, дунёда либерал-
лизмнинг турли мамлакатлар-
га хос хусусиятлари, француз
ва инглиз, немис ва швед, ко-
рейс ва япон моделлари, Аме-
рика ва Европа мактаблари
мавжуд. Аммо, демократия
каби, бу борада ҳам мутлақ
ҳақиқат даражасига кўтарилган
ва ҳеч бир ўзгаришларсиз бо-
шқа жойларга кўчириш мум-
кин бўлган ҳаммабоп ва умум-
мий модель йўқлигини таъкид-
лаш жоиз. Фақат ижтимоий
ҳаётнинг барча соҳаларида эр-
кинлик устувор бўлиши, жами-
ятнинг эволюцион йўл билан
ривожланиши, инсон манфа-
атлари, ҳуқуқ ва эркинликла-
рининг устуворлиги, умумин-
соний қадриятлар ва миллий
маънавий асосларга таяниш,
ғоялар хилма-хиллигининг та-
рихий тараққиётга боғлиқ экан-
ни, ижтимоий-сиёсий тизим-
да кескин зиддиятларга бор-
маслик каби либерализмга хос
бўлган умумий тамойиллар
бор, холос.

3 >>>



Салим ЗОИР олган сурат

Оилавий корхона афзалликлари кенг тарғиб этилиши керак

О'ZLIDER ФРАКЦИЯСИНИНГ БИР ҚАТОР ИДОРА ВА МУАССАСАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА
ТАШКИЛ ЭТГАН «ОИЛАВИЙ КОРХОНА — МУСТАҲКАМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ» МАВЗУИДАГИ
ДАВРА СУҲБАТИДА «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК Тўғрисида»ги ҚОНУННИНГ МАЗМУН-
МОҲИЯТИ АЙРИМ ҲУДУДЛАРДА ЕТАРЛИЧА ТАРҒИБ ЭТИЛАЁТГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ

Аввал хабар қилганимиздек, Олий
Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича
вакили (Омбудсман)нинг 2012 йилдаги
фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи муҳока-
масида фракция аъзолари мазкур муасса-
са билан ҳамкорликни янада кучайтириш

долзарб масала эканига тўхталиб, тадбир-
корларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя
қилиш билан боғлиқ мониторинг ҳулоса-
ларига жиддий эътибор қаратгандилар.
Зеро, О'zLiDePнинг Сайловолди плат-
формасида ишбилармонлар эркинлигини

таъминлайдиган ҳуқуқий кафолатлар на-
фақат қонунчиликда ўз аксини топиши,
балки амалиётда унга қатъий риоя этили-
ши керак, деган ғоя илгари сурилган.

3 >>>

Муносабат

Обод уйим — обод Ватаним!

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҚАРОРИ
БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»
ДАВЛАТ ДАСТУРИ АСОСИДА АМАЛГА
ОШИРИЛАДИГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ УЧУН
2013 ЙИЛДА ЖАМИ 6 ТРИЛЛИОН 655 МИЛЛИАРД СЎМ
МИҚДОРИДА МАБЛАҒ САРФЛАШ РЕЖАЛАШТИРИЛДИ

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали
маросимдаги маърузасида баён этилган фикрлар, тавсия
ва таклифлар асосида ишлаб чиқилган ушбу дастур айни
пайтда О'zLiDeP аъзолари ва партия электорати вакиллари
томонидан ҳам чуқур ўрганилмоқда. Халқимизнинг турмуш
даражаси ва сифатини ошириш, фаровонлик, тинчлик ва
тотувликни таъминлаш учун барча имкониятларни
сафарбар этиш, бу жараёнга давлат муассасалари билан
бир қаторда нодавлат тузилмалар ва жамоат
ташкilotларини ҳам жалб этишга йўналтирилган
мазкур дастур ўз қамрови ва кўлами, сиёсий-
ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий масалалар
ечимига қаратилган долзарб аҳамияти, энг
муҳими, молиявий манбалари кафолатлангани
билан ҳам кенг жамоатчилик томонидан эътироф
этилаётир.

2 >>>

«АСРЛАР САДОСИ» — СЛОВЕНИЯДА

Словенияда «Асрлар садоси»
аълоавий маданият
фестивалининг тақдими бўлиб
ўтди.

Люблина шаҳрида ташкил этилган
мазкур тадбир қатнашчилари
халқаро фестиваль ташкилотчиси
— «Ўзбекистон маданияти ва
санъати форуми» жамғармасининг
фаолияти билан ҳам яқиндан
танишдилар.

Ҳар йили юртимизнинг турли
ҳудудларида ўтказилаётган
«Асрлар садоси» фестивали
Ўзбекистоннинг бой маданий-
тарихий мероси ва сайёҳлик
салохиятини бутун дунёга
намоиш этиш учун имконият
яратётгани тақдирот маросимида
алоҳида қайд этилди. Шунингдек,
«Ўзбекистон маданияти ва
санъати форуми» жамғармаси
томонидан амалга оширилаётган
ижтимоий-маданий лойиҳалар,
жумладан, спорт, соғлиқни
сақлаш ва таълим сингари
соҳаларда истеъодли ёшларни
қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб
борилаётган ишлар тўғрисидаги
маълумотлар ҳам словениялик
меҳмонлар эътиборига ҳавола
этилди.

«Жаҳон» ААнинг хабарига кўра,
тақдирот қатнашчилари орасида
«Ўзбекистон маданияти ва
санъати форуми» жамғармаси
ташаббус билан ҳар йили
ўтказиб келинаётган «Art Week
style.uz» санъат ҳафталиги,
«Олтин ғезар» халқаро
кинолажурмани сингари йилриқ ва
йўлғиз халқаро маданий
тадбирлар, «Келажак овози»
ёшлар ташаббуслари маркази ва
«Келажак-тур» ёшлар туризми
бюроси сингари муассасаларнинг
фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи
рисола ва журналлар тарқатилди.
«Туркистон-пресс».

Соҳибжон ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты, О'zLiDeP
фракцияси аъзоси:



— АВВАЛО ШУНИ ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, ОИЛАВИЙ
КОРХОНА ФАҚАТ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ХОҲИШИ
БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ ВА УЛАРНИНГ ШАХСИЙ
МЕҲНАТИГА АСОСЛАНАДИ. ОИЛАВИЙ КОРХОНА
ФАҚАТ ЮРИДИК ШАХС БЎЛИБ, УНДА
ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ СЕНИ ИККИ КИШИДАН
КАМ БЎЛМАСЛИГИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Яна бир муҳим жиҳати, қонуннинг 4-моддасида оилавий
корхона иштирокчилари ва ёлланган ходимларнинг умумий
сони кичик тадбиркорлик субъектлари ҳодимларининг қонун
ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп
бўлмаслиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан шу нарсга кўринадики, оилавий корхона кичик
бизнес субъекти ҳисобланиб, унга нисбатан қўлланиладиган
барча имтиёз, преференция ва кафолатлардан фойдаланиш
ҳуқуқиға эга. Оилавий корхона оила яшаб турган жойда
фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу
ернинг ўзида сотиши мумкин. Бунинг учун оилавий корхона
эгаларидан ҳовлисини нотурар-жойга айлантириш ҳам
талаб қилинмайди.

Оилавий корхона иштирокчилари томонидан солиқ ва
бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилганидан кейин
фойдага солиқ солинмайди. Шунингдек, оилавий корхона
иштирокчилари Вазирлар Маҳкамаси томонидан
тасдиқланган рўйхатга кўра, ўзи ишлаб чиқарган халқ
бадийи ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини
сотишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини
тўлашдан озод қилинганлар.

Бир сўз билан айтганда, оилавий корхоналар тармоғининг
кенгайиши, ўз навбатида, мамлакатимизнинг ялпи ички
маҳсулотига кичик бизнеснинг улуши янада ошиши, янги
иш ўринларининг яратилиши, турмуш фаровонлигининг
ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 26 февралдан бошлаб валюта
операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш,
пўнингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга
нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.*
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу
қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.

1 Австралия доллари ▲ 2076,00
1 Англия фунт стерлинги ▼ 3056,29
1 Дания кронаси ▼ 357,28
1 БАА дирҳами ▲ 550,37

1 АҚШ доллари ▲ 2021,22
1 Миср фунти ▲ 300,18
1 Исландия кронаси ▲ 15,94
1 Канада доллари ▼ 1974,43

1 Хитой юани ▲ 324,25
1 Малайзия ринггити ▲ 651,38
1 Поляна злотийски ▼ 639,91
1 СДР ▼ 3064,41

1 Туркия лираси ▼ 1123,65
1 Швейцария франки ▼ 2170,09
1 ЕВРО ▼ 2693,07
1 Жанубий Корея вонни ▼ 18,58

10 Япония иенаси ▲ 214,73
1 Россия рубли ▼ 66,58
1 Украина гривнаси ▲ 252,87

Обод уйим — обод Ватаним!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀



Нодира КАРИМОВА,
Олий Мажлис
Конунчилик палатаси
депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА КОНУНЧИЛИК БАЗАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР СИФАТИДА БЕЛГИЛАНГАНИ ЗИММАМИЗГА ЖУДА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ, АЛБАТТА

Хусусан, унда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларни янги таҳрирда, шунингдек, ёшларни ишга жойлаштириш

шарт-шароитларини янада такомиллаштириш учун «Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида «Фуқаролик процессуал кодекси ва Оила кодексига оила

институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари «Юридик ва жисмоний шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида», «Жамоатчилик назорати тўғрисида», «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида» ҳамда «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ўз аксини топган нормаларни ўрганган эканмиз, таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ниҳоятда муҳим масалалар ечимига йўналтирилганини кўрамиз. Хусусан,

аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш, ноёб институт ҳисобланган маҳалланинг жамоатчилик назорати соҳасидаги функцияларини янада кенгайтириш, уни оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Маълумки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти ва хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ноги-

ронлар ҳамда кўмакка муҳтож фуқароларга манзилли ёрдам кўрсатиш бўйича тизимли ишларни амалга оширмоқдалар.

Мазкур вазифаларни бажаришда O'zLiDeP электорати бўлган тадбиркор ва фермерларнинг фуқаролар йиғинларига яқиндан ёрдам бераётгани ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларидандир. Зеро, маҳаллаларда азалдан ахлоқий қадрият ва аъналарни шаклланди. Улардан бири, шубҳасиз, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик бўлиб, ушбу йўналиш йиллар давомида шаклланди урф-одатларимиз ва миллий қадриятларимизни акс эттиради.

— ДАСТУРДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ИЗЧИЛ ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШ, БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, КИЧИК БИЗНЕС, ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ҲАМДА ФЕРМЕРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ХИСОБИДАН 970 МИНГДАН ЗИЁД ЯНГИ ИШ ЎРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КЎЗДА ТУТИЛГАНИ УШБУ МУҲИМ ҲУЖЖАТНИНГ НАҚАДАР ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТГА ЭГА ЭКАНИНИ КЎРСАТАДИ



Бахриддин БЕГЖАНОВ,
Олий Мажлис Конунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

Агар бу рақам тармоқлар кесимида таҳлил қилинса, янги ишлаб чиқариш объектиларини фойдаланишга топшириш ва мавжуд корхоналарни модернизациялаш ҳисобига 57,9 минг, кичик корхона ва микрофирмалар ҳисобига 367,8 минг, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 117,7 минг, касанаҳликнинг барча шакллари йўлга қўйиш ҳисобидан 218,4 минг, фермер ва деҳқон хўжалиқларини кенгайтириш орқали 124,1 минг, бозор инфратузилмасини такомиллаштириш ҳисобига 73,1 минг, ночор корхоналарни қайта тиклаш эвазига 13,7 мингта иш ўрни яратилиши аён бўлади. Бу эса Давлат дастури ижросини таъминлашда O'zLiDeP аъзолари ва партия фаолларидан жуда катта ташаббускорлик кўрсатилиши лозимлигини аниқлатади.

Маълумки, 2012 йилда тижорат банклари оилавий, хусусий тадбиркорлик субъектлари, ҳунармандчилик, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқлари, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиши учун кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратади. Жорий йилда

эса бундай кредитлар 269,6 миллион сўмини ташкил этишни режалаштирилган. Таъкиллаш жоизки, айни шу йўналишда партиянинг «Ёшлар» ва «Аёллар қаноти»нинг молия муассасалари билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳалар амалга ошираётгани ҳам ижобий самара бермоқда.

Дастурда саноатни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас. Уларда саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар негизда янги ишлаб чиқариш линияларини ташкил этиш кўзда тутилгани ташаббускор ишбилармонлар учун яна бир қўлай имкониятдир. Чунки, дастурда белгиланганидек, йил охиригача республиканинг ҳар бир минтақасида 30-40 та балиқчилик, ҳар бир қишлоқ туманида камида 10 тадан паррандачилик хўжалиқлари ташкил этилади. Қисқа қилиб айтганда, ушбу ҳужжатнинг қай бир бандини олмаган, унда белгиланган чора-тадбирларнинг барча-барчаси ислохотлар — инсон учун, деган эзгу даъватнинг тасдиғи янглиг намоён бўлади.



Кяхрамон ЭРГАШЕВ,
Олий Мажлис Конунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— АСЛИДА ВАТАН ОБОДЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ ҲАР БИР ХОНАДОНДАГИ ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИҚДАН БОШЛАНИШИ ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС. ВАТАН ИЧРА МЎҲАЗ ВАТАН, ДЕБ АТАЛАДИГАН МАҲАЛЛАЛАРИМИЗДАГИ ФАРОВОНЛИК ЭСА ҲАР БИР ОИЛАДАГИ ЭЗГУ ИНТИЛИШЛАР МЕВАСИ СИФАТИДА ҚАРОР ТОПАДИ

Шу маънода, дастур доирасида «Обод уйим» лойиҳасининг амалга оширилиши кўпчилик фуқароларимиз эътиборини тортмоқда. Маҳаллаларни ободонлаштириш масалаларига нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этиш орқали қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш мақсадида ўтказиладиган биргина ана шу лойиҳага кўра, 15 миллион туп манзарали ва 29,5 миллион туп мева-дархат ниҳоллари, шунинг-

дек, 10 миллион туп гул ҳамда буталар экин кўзда тутилган. Маҳаллалар қиёфасини янада яхшилаш, уйларнинг олд қисми ва томларини, кўчалар ва йўлакларни таъмирлаш, энергия тежовчи технологияларни қўллаш орқали ташқи ёритиш тармоқларини ривожлантириш, санитария шароитларини яхшилаш, янги турар-жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини барпо этиш, аҳоли пун-

2013 йил —
Обод турмуш йили

2013 йилда 553 та қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта якка тартибдаги уй-жой қурилади. Биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сув, газ, электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилиб, минглаб километр янги, юқори вольтли электр узатиш линиялари, сув чиқариш ҳамда газ тақсимлаш тармоқлари объектилари барпо этилади.

ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ДОИРАСИДА «ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН ТУРАР-ЖОЙ» ДАСТУРИ, ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ ОРҚАЛИ, АЙНИҚСА, ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИгини ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАЛАШТИРИЛГАНИНИ ҲАМ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. ШУ МАҚСАДДА «ОИЛА ФАРОВОНЛИгини ЯНАДА ОШИРИШ МАҚСАДИДА АЁЛЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ» ЛОЙИҲАСИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

кларини тоза ичимлик сув, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш билан дастурда белгиланган вазифалар сирасига кирди.

Масалан, 2013 йилда 553 та қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта якка тартибдаги уй-жой қурилади. Биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сув, газ, электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилиб, минглаб километр янги, юқори вольтли электр узатиш линиялари, сув чиқариш ҳамда газ тақсимлаш тармоқлари объектилари барпо этилади.

Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида «Ёш оилалар учун турар-жой» дастури, имтиёзли кредитлар тақдим этиш орқали, айниқса, қишлоқ жойларда хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиялаш бўйича

комплекс чора-тадбирлар режалаштирилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу муносабат билан «Оила фаровонлигини янада ошириш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш» лойиҳаси амалга оширилиши.

Кўриб турганингиздек, юқорида санаб ўтилган йўналишларнинг аксарияти O'zLiDePнинг ижтимоий-гуманитар соҳалар ва интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш борасидаги дастурий вазифаларига уйғун ва ҳамоҳдандир. Партиямиз давлатнинг ижтимоий соҳага оид сиёсатидаги стратегик устувор йўналиш — инсонга бўлган эътибор, деб ҳисоблайди. Модомки, партиямиз фаоллари ислохотларнинг барча босқичларида эришилган натижаларни аҳоли фаровонлигининг ўсиши билан баҳолайди.

Озод РАЖАБОВ тайёрлади.

Тиббий хизмат сифати ошиб, аҳоли саломатлиги янада мустаҳкамланмоқда

ИСТИҚДОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАН АҲОЛИ САЛОМАТЛИгини МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВЛАТЛАРИМИЗ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИГА АЙЛАНДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ДОИРАСИДА ЯРАТИЛГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ НОЁБ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ ЮКСАК САМАРАЛАР БЕРАЁТГАНИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН КЕНГ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг учинчи бўлимида аҳоли саломатлигини муҳофиза қилиш тизимини янада ривожлантириш, жумладан, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис қўйиш ва даволаш усулларини кенгайтириш, тиббиёт ҳодимлари меҳнатини молдий ва маънавий рағбатлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Республикада ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Ушбу муассасаларда ўрнатилган янги асбоб-ускуналар негизда илгор ташхис қўйиш ва даволаш технологиялари жорий этилади. Бу эса болаларга жаҳон стандартларига мос юқори технологик ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Маълумки, соғлом бола туғилиши ва унинг нормал ривожланишида оналар ва болаларнинг тўғри овқатланиши гоёт муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда Ўзбекистонда микро-нутриент танқислигининг олдини олиш ва баргарибб этиш, яъни истеъмол тузини йўшлаш, унни қўлланатириш, темир, фоллий кислотаси ва А витаминини сапелментация қилиш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили поливитамин комплексларини харид қилиш учун бюджет маблағларини ажратишни кўзда тутадиган Давлат дастурини амалга ошириш доирасида 2013 йилда 400 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёлнинг соғлиғи мустаҳкамланади. Кўкрак сутини эмизмиш амалиётини янада кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва қарор топтириш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Аҳолининг репродуктив санолатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилишига қаратилган ишлар самардорлигини янада ошириш мақсадида жорий йилда туғиш ёнидаги аёллар, болалар ва ўсим қизларни «Соғломлаштириш қафталликлари»ни ҳар ойда ўтказишни давом эттириш кўзда тутилмоқда. Ушбу тадбирлар давомида барча ҳудудлар, айниқса, чекка ва бориш қийин бўлган туманларда мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган марказлар, илмий-тектириш институтлари ҳамда тиббиёт олий ўқув юртиларининг юқори малакали мутахассислари ва профессорлари хотин-қизлар ҳамда болаларни даволайди ва маслаҳатлар беради. Ўзбекистонда туғма ва ирсий нуқсонларнинг эрта аниқлашга ёрдам бериш бўйича йўлга қўйилган аёллар ва чақалоқлар скрининг тизимини такомиллаштириш давом эттирилади.

2013 йилда Ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда «Соғлом она — соғлом бола» ва «Соғлом ёшлар» лойиҳалари амалга оширилди. Биринчи лойиҳанинг мақсади ўсим қизларга тўғри овқатланиш, гигиена ва камқонлиқнинг олдини олиш соҳасида тиббий маълумотлар бериш, шунингдек, ҳомиладор ва туғиш ёнидаги аёлларни репродуктив саломатлигини сақлаш, туғруққа тайёрланиш ва бир ёшча бўлган болани парваришлаш масалалари бўйича хабардор қилишдан иборат. «Соғлом ёшлар» лойиҳаси эса ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик, жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар ва сил касалигининг олдини олишга доир таълим ус-

лублари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган. 15 ёшдан 25 ёшга бўлган ўғил-қизлар «Соғлом ёшлар» ҳаракатига тренинг-семинарлар, маслаҳатлар бериш ва ёшлар ижтимоий акцияларини, жумладан, «Биз — соғлом ҳаёт тарзи тарафдоримиз!» республика ижодий танловини ўтказиш орқали кенг жалб этилади.

«Ҳаёт учун!» ассоциацияси ва «Ўзбекистон маланияти ва санъати форуми» жамғармаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар ўртасида онкологик касалликларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар, шу жумладан, «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафонини ва бошқа ижтимоий акцияларни ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Европа Иттифоқи/ЮНИСЕФнинг «Оналик ва болаликни муҳофиза қилиш хизматларини такомиллаштириш. II-босқич» қўшма лойиҳаси, ЮНФПА, Глобал фонд, KfW банки каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик доирасида оналар ва болалар саломатлигини муҳофиза қилиш соҳасида меҳнат қилаётган 18 минг нафар тиббиёт ходими ўз малакасини оширади. 2013 йилда тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида болаларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш бўйича ЖССТ/ЮНИСЕФнинг замонавий технологиялари ҳамда жаҳон стандартларини жорий этиш лойиҳалари ҳам ҳаётга татбиқ этилади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда оналар ва чақалоқлар ўлимини янада камайтириш бўйича Мингйиллик ривожланиш мақсадида эришилган хизмат қилади.

Жорий йилда касалликларнинг 70 фоизидан орттигини ташкил қиладиган инфекция билан боғлиқ бўлмаган сурункали хасталикларнинг олдини олишга қаратилган профилактика чора-тадбирларини кучайтириш соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг яна бир муҳим йўналишидир. Биринчи навбатда, бу чора-тадбирлар юрак касалликлари, инсульт, саратон, сурункали респиратор хасталиклари ва диабетни келтириб чиқарадиган сабаблар — спиртли ичимликлар ҳамда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, кам ҳаракатланиш ҳаёт тарзи ва нотўғри овқатланишга қарши курашишга қаратилади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлини — амбулатория-поликлиника хизмати ва 3200 қишлоқ врачлик пунктларидан (ҚВП) таркиб топган тармоқни мустаҳкамлашга, уларнинг фаолиятида профилактика ишлари устуворлигига алоҳида эътибор қаратилади. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида аҳолига маслаҳат бериш ва ташхис қўйиш, профилактика ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҚВПлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Мисол учун, «Саломатлик-3» лойиҳасини амалга ошириш доирасида ҚВП, оилавий поликлиникалар ва туман тиббиёт бирлашмаларининг 5100 нафар шифокори ва 12500 нафар ходимини сайёр курсларда ўқитиш режалаштирилган.

Мамлакатимиздаги энг яхши клиникалар мутахассислари иштирокида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди» лойиҳасини амалга ошириш орқали энг чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳолини чуқур тиббий қўриқдан ўтказиш режалаштирилган. Бу жараёнда 146 минг киши, шу жумладан, ёлғиз қариялар, ноиндорлар ва пенсионерлар қамраб олинди. Бундан ташқари, йил давомида ҳар бир ҳудудда 200 мингдан ортиқ киши оммавий равишда чуқур тиббий қўриқдан ўтказилади.

Шунингдек, дастурда аҳолининг юқори технологик ихтисослашган тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Масалан, 2012 йилда кардиожарроҳлик бўлими ташкил этилган В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, кўз микрохирургияси ва уро-

логия марказида ўта мураккаб ва технологик даражадаги операцияларни ўтказиш қўлами янада кенгайтирилади. Вақоланки, бундай операциялар бугун дунёнинг ҳамма давлатларида ҳам амалга оширилаётгани йўқ.

Соҳа мутахассисларининг касба-оид билимларини янада оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Германия, Италия, Франция, Австрия, Корея Республикаси, Япония, Малайзия, Сингапур, АҚШ, Исроил ва бошқа мамлакатларнинг етакчи клиника ҳамда тиббиёт марказларида мутахассисларимизнинг тажриба олинириш ташкил этилади.

Ўзбекистонда санитария-эпидемиологик барқарорлиқни таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётгани туфайли мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳудудига карантин қилинадиган ва ўта хавфли инфекциялар кириб келиши ҳамда тарқалишига йўл қўйилмади. Аҳолини, айниқса болаларни эмлашга алоҳида эътибор берилмоқда. 2013 йилда Миллий эмлаш таққиро ташкилотлар билан ҳамкорлик доирасида оналар ва болалар саломатлигини муҳофиза қилиш соҳасида меҳнат қилаётган 18 минг нафар тиббиёт ходими ўз малакасини оширади. 2013 йилда тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида болаларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш бўйича ЖССТ/ЮНИСЕФнинг замонавий технологиялари ҳамда жаҳон стандартларини жорий этиш лойиҳалари ҳам ҳаётга татбиқ этилади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда оналар ва чақалоқлар ўлимини янада камайтириш бўйича Мингйиллик ривожланиш мақсадида эришилган хизмат қилади.

Жорий йилда касалликларнинг 70 фоизидан орттигини ташкил қиладиган инфекция билан боғлиқ бўлмаган сурункали хасталикларнинг олдини олишга қаратилган профилактика чора-тадбирларини кучайтириш соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг яна бир муҳим йўналишидир. Биринчи навбатда, бу чора-тадбирлар юрак касалликлари, инсульт, саратон, сурункали респиратор хасталиклари ва диабетни келтириб чиқарадиган сабаблар — спиртли ичимликлар ҳамда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, кам ҳаракатланиш ҳаёт тарзи ва нотўғри овқатланишга қарши курашишга қаратилади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлини — амбулатория-поликлиника хизмати ва 3200 қишлоқ врачлик пунктларидан (ҚВП) таркиб топган тармоқни мустаҳкамлашга, уларнинг фаолиятида профилактика ишлари устуворлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда Инвестиция дастурига киритилган бешта инвестиция лойиҳаси асосида умумий қиймати 40,5 миллион АҚШ долларига тенг тиббиёт асбоб-ускуналарини харид қилиш ва етказиб бериш режалаштирилган. Шу мақсадда хорижий шериклар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган қатор лойиҳалар ва дастурларни рўбга чиқариш давом эттирилади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳам аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишни такомиллаштиришга фаол иштирок этмоқда. Ушбу тизимда фаолият кўрсатаятган санатория муассасаларида жорий йилда минглаб фуқаролар — фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан банд ҳодимлар, кам таъминланган оилалардан хотин-қизлар, ёш оналар, ёш оилалар ўз соғлигини мустаҳкамлайди. Бу муассасаларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш ва уларда қўрсатилаятган соғломлаштириш хизматларини яхшилаш, айримларида эса капитал таъмирлаш ишларини бажариш чора-тадбирлари белгиланган.

Болаларнинг дам олишнинг ташкил этиш ҳам алоҳида диққат марказида бўлади. Масалан, еттига болалар соғломлаштириш оромоҳларида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилади, қўшимча 3200 га яқин ўринлар ташкил этилади.

Шундай қилиб, «Обод турмуш йили» Давлат дастури соғлиқни сақлаш миллий тизими ва унинг барча йўналишларини янада ривожлантиришга доир кенг қўламли чора-тадбирларни ўз ичига олган. Уларнинг амалга оширилиши эса аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини, демек, мамлакатимиз раванлигини таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигининг яна бир ёрқин далилидир.

ЎЗА

Ислоҳот

Либерализм тамойиллари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Шу билан бирга, замонавий либерализм сиёсий қарашлардаги радикализм ҳамда ўзгаришларнинг инқилобий ва зўрлик йўлларидан воз кечиш, муқобил гоёлар мавжудлигини эътироф этиш ва ҳурмат қилиш, халқаро муносабатларда сиёсий плнорализм тамойилларига амал қилиш, сайлов тизимини демократик тамойиллар асосида ташкил этиш, турли шаклдаги ҳокимият тармоқлари фаолияти мустақиллигини таъминлаш, давлат органлари ишининг фуқаролар томонидан назорат қилинишига эришиш каби умумий мақсад ва вазифаларни ҳам назарда тутати.

Либерализмнинг муайян бир мамлакатга нисбат бериладиган миллий моделида эса ана шу тамойиллар ва мақсадларни амалга оширишда муқаррар тарзда намоён бўладиган, ўша ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, халқ менталитети ва анъаналари, маҳаллий шарт-шароитлар ҳисобга олинishi лозимлиги, шубҳасиз. Шу маънода, мустақиллик йиллари Ўзбекистонда бу борада ўзига хос модель, либерал-демократик гоёларга асосланган тушунча ва тамойиллар шакллани, дейишга тўла асослар бор. Зеро, юртимизда демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши либерализм гоёларининг янги тамойиллар билан бойиб бораётганини ҳам кўрсатмоқда. Тараққиётнинг «ўзбек модели» ва унинг машҳур беш тамойили ҳаётга жорий этилиши эса либерал-демократик гоёларнинг миллий хусусиятларини яққол намоён қилди.

Бу борада Юртобошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар, қўлга киритилаётган натижалар ва тўланган тажрибанинг нафақат миллий, балки умуминсоний аҳамият касб этаётганига таҳлилчилар алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу, айниқса, глобаллашув жараёнларида либерализм гоёлари намоён бўлишининг ҳар бир мамлакат ва халққа хос хусусиятларини ҳисобга олиш, мамлакатимизда қўлга киритилаётган ютуқ ва тажрибалардан умуминсоният аҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланилаётганлигига яққол кўзга ташланаётган.

Зеро, айрим давлатларда жамиятимиз ҳаётини демократлаштириш ва либераллаштириш бўйича муваффақиятли синовдан ўтган ҳамда салмоқли натижалар берган гоё ва тамойилларни ўзлариникидек қилиб кўрсатиш ва уларни ўз мамлакатлари ҳаётига татбиқ қилиш ҳолатларига гувоҳ бўлаётимиз.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида ушбу мавзунинг таҳқиқлаб қўйилгани қўшлаб салбий оқибатларга олиб келди. Гарчанд озодлик гоёси ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ умуминсоний қадриятлар бутунлай рад этилмаган бўлса-да, ўша давр мафкурасининг маккорона ўйинлари туфайли бу гоёлар қуруқ шиорлар, ўз мазмун-моҳиятидан йироқ тушунчаларга айланиб қолди.

Либерал-демократик гоёлар тарихи ва тақомилининг собиқ иттифоққада бўлган даври ҳақида сўз кетганида, аввало, бу борадаги қарашлар кенг ёйила бошлаган даврларда ҳам уларни ҳаётга татбиқ этиш учун реал замин, имконият бўлмагани, бу борадаги орзуларни амалга оширишнинг йўллари ва имкониятлари ҳақидаги фикр ва қарашлар ҳам утупиқ бўлганини эътироф этиш лозим. Шу билан бирга, асрлар давомида бу гоёларни амалга оширишда қўшлаб тўсиқлар қўйилгани, уларнинг тарафдорларига қарши аёвсиз кураш олиб борилгани ҳам тарихдан маълум.

Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши бу соҳада ҳам ҳақиқий бурилишга сабаб бўлди. Мамлакатимизда либерал-демократик гоёлар ижобати учун реал имкониятлар вужудга келди. Ҳали собиқ ит-

тифок ҳукмронлиги давом этаётган бўлса-да, XX асрнинг 80-йиллари охирида халқимизнинг мустақиллик йўлига дадил қадам қўя бошлагани аслида озодлик ва эркинлик, демократик ислохотлар ва фуқаролик жамияти томон ташланган дадил ҳаракатни англатар эди.

Ўша давр ҳақиқатларини тўла акс эттирган «Ўзбекистон мустақилликка эришиши оstonасида» асарини чуқур ўрга-

амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ушбу теран хулоса ва тиниқ мулоҳазалар муаллифи асарларидаги фикрлар ривожини диққат билан ўрганиш, уларда мамлакатимиздаги либерал-демократик гоёларни такомилнинг қарийб йигирма беш йиллик эволюцияси, бу жараённинг динамикаси, умумий қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари

Концепцияси» эса аини шу маънода бу борада шакллانган хусусиятларнинг реал асосларга таянганини кўрсатади. Ана шу муҳим ҳужжатнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ ва ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз, сайлов ва ҳуқуқ эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти

**ЎША ДАВР ҲАҚИҚАТЛАРИНИ ТўЛА АКС ЭТТИРГАН
«ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА»
АСАРИНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ БУГУНГИ ЎЗБЕК
ЛИБЕРАЛИЗМИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА
АМАЛИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ЎШАНДАЁҚ ШАКЛЛАНА
БОШЛАГАНИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.**

ниш бугунги ўзбек либерализмининг назарий-методологик асослари ва амалий тамойиллари ўшандаёқ шакллана бошлаганидан далолат беради. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлган ана шу асарларда бўлиб ўтган биринчи сессиясида сўзланган «Халқ иродаси билан танланган йўл» деб номланган нутқдаги қуйидаги фикр ҳам бунни тасдиқлайди: «Биринчи навбатда инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикада бўлажак миллий давлат ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлиши шарт».

Мазкур китобдан ўрин олган болиқа фикр-мулоҳаза ва мантикий хулосалар ҳам мамлакатимизда либерализмга хос умуминсоний демократик тамойилларнинг эркинлик ва инсон камолоти ҳақидаги бой маънавий меросга таянганидан далолат беради. Бу эса XVII-XVIII асрларда шаклланган мумтоз либерализм закиллариининг давлат ва жамиятдаги барча фаолияти пировард натижада инсон, унинг эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини амалга оширишга хизмат қилиши керак, деган гоёлари Ўзбекистонда ўз реал заминига эга бўлаётганини кўрсатади. Улардан III аср аввал яшаган Алишер Навоий, X аср охири ва XI аср бошларида Бехруйи ва Ибн Сино, бундан II-III аср олдинроқ Ал Бухорий ва Форобий асарларида ҳам бу борада қўллаб-теран фикрлар баён қилинган бўлса-да, уларни амалга оширишнинг реал механизми ишлаб чиқилмаган ва ҳаётга татбиқ этиш имконияти яратилмаган эди.

Мустақиллик йилларидагина Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор бўлган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга кенг йўл очилди. Мазкур жараёнда инсонга олий қадрият сифатида муносабатда бўлиш, унинг манфаатларини ислохотларнинг асосий мезони тарзида тушуниш муҳим аҳамият касб этди. «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридан олинган қуйидаги фикрларга эътибор қаратайлик: «Аслида, ҳар қандай ислохотнинг энг муҳими самараси, аввало, халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришларнинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга ошираётган ислохотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини ва унинг

асослаб берилганини кўрсатмоқда. Ўзбекистонда қўлга киритилаётган ютуқ ва натижалар эса инсон ва унинг эркинликларини ҳақиқатан ҳам жамиятимиздаги барча ўзгаришларнинг марказига қўйилганини исботлайди.

Бир сўз билан айтганда, мустақилликка эришиш арафаси ва ундан кейинги йилларда олиб борилган кенг қўламли ислохотлар натижа-сида ўзбек либерализмининг демократик тамойиллар билан узвий боғлиқ бўлган ўзига хос белгилари шаклланди ва улар муттасил мустаҳкамланиб бормоқда. Аввал бошданёқ ислохотларнинг инқилобий йўлидан воз кечилгани, ўзгаришларнинг тадрижийлиги ва боқимчи-боқимчилиги, умуминсоний қадриятлар ва миллий анъаналар уйғунлигига асослангани, ислохотлар жараёнида халқ менталитети ва мавжуд шарт-шароитларнинг тўла ҳисобга олингани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши ислохотлар марказидан жой олгани, ҳар қандай ўзгаришлар жамиятдаги барча қатлам закиллариининг асл манфаати ва халқ фаровонлиги гоёсига хизмат қилишга қаратилгани мустақиллик йилларида шаклланган «ўзбек либерализми»нинг ўзига хос белгиларидир. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

К. НАЗАРОВ.



ЖИЗЗАХ. О'зLiDeP Зомин туман кенгаши «Ёшлар қаноти» томонидан «Юксак маънавиятли ёшларни тарбиялаш — соғлом жамият асоси» мавзuida давра суҳбати ўтказилди. Ёшларни бунёдкор гоёлар атрофида жипслаштириш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик туғилуларини янада кучайтириш, турли оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида ташкил этилган тadbирда халқ депутатлари туман кенгашидаги О'зLiDeP депутатлари, туман Маънавият тарбиёт маркази, «Камолот» ЁИХ ҳамда шартия фаоллари, шунингдек, Машиш хизмат ва транспорт касб-ҳунар коллежи ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди. — Мазкур тadbир мен учун фойдали бўлди, — дейди Зомин тиббиёт коллежи талабаси Зарнигор Махсудова. — «Ёшлар қаноти» фаоли сифатида бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш гоёсини янада кенг тарбиёт этиш масъулиятини ҳис қилган ҳолда ўзимга керакли хулосаларни чиқардим.

СИРДАРЁ. Фарзандларимизни юксак маънавиятли, оила ва жамият олдига ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишга қодир шахслар этиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ширин шаҳридаги Энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчи-қизлари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шу масалага алоҳида урув берилди. — Партиямиз гоё-мақсадларини ёшларимизга етказишда жойларда ўтказилаётган тadbirlar амалий аҳамиятга эга, — дейди О'зLiDeP Ширин шаҳар кенгаши — аппарат раҳбари Дилором Ўдашева. — Бугунги давра суҳбати ҳам оилаларимиз мустаҳкамлигини сақлаш ҳамда қизларимиз онгига маънавий-ахлоқий қадриятларни синдириш, ғаразли кучлар таъсирига қарши курашиш мақсадида ўтказилаётган. Зеро, О'зLiDeP дастурида ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўиш, ҳар қандай шароитда қадриятларимиз, миллий ва диний анъаналаримиз, урф-одатларимизни қадрлаш, шу билан бирга, барча миллат ва элатлар қадриятларини камситишга йўл қўймаслик, бундай хуружларга қарши изчил кураш олиб бориш кераклиги белгиланган.



Оилавий корхона афзалликлари кенг тарғиб этилиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

қўпчилик боқимандалик кайфиятидан халос бўлган ҳолда ўз ташаббускорлиги, билим ва салоҳияти ҳисобидан оила тебратмоқда, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши расиси Танзила Норбоева. — Жамоат ташкилотлари-

бориладиган тарбиёт-ташвиқот тadbirlarida ҳам кўпроқ ана шу жиҳатга эътибор қаратишимиз керак.

Статистик маълумотларга мувожаат қилсак, қонун қабул қилинганидан кейин ўтган салкам бир йил ичида мамлака-

УШБУ ҚОНУННИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ ҲАЁТИДА МУҲИМ ВОҚЕА, ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ЭСА ЎЗИГА ХОС ЯНГИЛИК БЎЛДИ

нинг вазифаси эса уларнинг бу борадаги интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат. Чунки давлат томонидан фуқароларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариши учун ҳуқуқий майдон, яъни мустаҳкам қонуний кафолатлар тизими яратилган. Бунда дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибасидан ҳам, халқимизнинг бой тарихий ва миллий анъаналаридан ҳам унумли фойдаланилган. Айниқса, «Оилавий тadbirkorлик тўғрисида»ги қонуннинг қучта қирли билан бизнес юритиш орқали оилам фаровонлигини таъминлайман, деган юртдошларимиз учун қўшимча имкониятлар яратилди. Шунинг учун биз О'зLiDePнинг бугунги ташаббусини нафақатга олиш, қонуннинг мазмун-моҳияти, ундаги имтиёз ва қудайликлар хусусида кенг жамоатчиликка кўпроқ маълумот бериш, энг муҳими, қонун билан яратиб берилган афзалликларни содда тилда тушунтириш масалаларини муҳокама этиш ва бундай тadbirlarни жойларда ҳам ўтказишга қарор қилилар. Давра суҳбатида аини шу масала атрофлича муҳокама қилинди. Депутатларнинг фикрича, бундай тadbirlar Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда аниқ режа асосида олиб борилади. Тарғибот-ташвиқот ишлари самарасини ошириш учун бу жараёнда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг худудий ташкилотлари ҳам жалб қилинади.

— Маълумки, замонавий бозор муносабатлари кишиларнинг руҳий-психологик ҳолати ва дунёқарашига аста-секин таъсир ўтказиб, эндиликда

тимизда жами 427 та оилавий корхона рўйхатга олингани маълум бўлади. Бу борадаги энг яхши жорат ташкилотлари вакиллари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишда самарали усуллардан фойдаланиш лозимлигини таъкидладилар.

— Оилавий тadbirkorлик бизнеснинг бошқа шаклларида нисбатан қатор устуниликларга эга, — деди «Ҳамлар» ижтимоий-иқтисодий кўмак маркази раҳбари Сайёра Ҳамдамова. — Масалан, иқтисодий тежамкорлигини олайлик. Ўз хонадонидан тadbirkorлик билан шуғулланидиганлар йўл (ишга бориш-келиш), ижара ва биноларни сақлаш, қўйинки, қўриқлаш ва фаррош хизмати, ёш болаларга энага ёллаш харажатларига маблағ сарфламайди. Энг муҳими, электр энергияси, сув, газ ва иссиқлик учун аҳолига белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўлайди. Тажрибали тadbirkorлар буларнинг қанчалик катта имтиёз эканини яхши тушунишади. Оилавий тadbirkorлиқнинг миллий қадриятларимизга мос томони ҳам борки, бу ҳам бўлса, бир вақтнинг ўзида оиланинг барча аъзолари фойдали меҳнат билан банд бўлади. Фарзандлар эса оила бошиқларидан нафақат ахлоқ-одоб ва тарбия, балки бизнес борасида ҳам бевосита ўрناк олади.

Давра суҳбатида жойларда олиб бориладиган ана шундай тadbirlarни самарали ташкил этишга қаратилган тавсия ва режалар ишлаб чиқилди.

Худудий кенгашларда

Хотин-қизлар бандлигини таъминлашга масъулмиз

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI ASR»

Уларни қўллаб-қувватлаш, олган билимларини амалиётга жорий этишларида асосий эътибор қишлоқ аёлларига қаратилаяпти.

«Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси эса хусусий бизнесни йўлга қўйишларига кўмаклашиш, ташиббускор, тадбиркор, фермер, касаначи хотин-қизлар тажрибасини оммалаштириш, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари ташкил этишга хизмат қилди. Ана шу лойиҳада иштирок этган миришкорлик Ойтула Худойбердиевага қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган минитехнология учун 10 млн., Хосият Рўзиева ва Шаҳноза Зулфиқоровага савдо-сотиқ билан шугулланишлари учун 5 млн. сўмдан кредит олишга ёрдам кўрсатилди. Чироқчилик Тамара Алимовага паррандачиликни ривожлантириш, Мусаллам Очиловага эса тикувчилик цехини кенгайтириш учун 10 млн. сўм, касбилик Фазолат Бафосевага иссиқхона қуриш учун 6 млн. сўм молиявий кўмак берилди. Қарши шаҳрилик тадбиркор аёл, партия фаолларидан бири Зиёда Ҳайитовага тикувчилик цехини замонавий ускуналар билан таъминлаш учун ТИФ Миллий банк Қарши амалиёт бўлимидан 30 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди.

«Обод турмуш йили»да ҳам «Аёллар қаноти» хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш, юртимизда бўлаётган ўзгариш ва янгиликлар, янги қабул қилинаётган қонулар мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказишга киришди.



— «Аёллар қаноти»нинг «Соғлом оила — мустақкам оила» лойиҳаси доирасида хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, маънавий салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёш қизларни спортга кенг жалб қилиш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини тушунтириш юзасидан тизимли чора-тадбирларни амалга ошираяпмиз, — деди Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва маънавий ошириш бўлими бош-

лиги Гулбаҳор Тўраева. — Жойларда хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, соғлом оилани шакллантириш бора-сидаги тадбирларни асосан маҳалла, қишлоқ, таълим муассасаларида ўтказаяпмиз. Бугун Қашқадарёда 11655 нафар О'зЛиDeP аъзоси бўлиб, уларнинг 3444 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Фаол аёллар ўз тадбиркорлик қобилиятларини намоён этиб, мустақиллигимизни мустақкамлаш, халқ

О'ЗЛИДЕР ДАСТУРИДАН

Партия ўз олдига хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал ўсишига кўмаклашиш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, меҳнат шароитини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш масалаларини қўймоқда.

фаровонлиги, мамлакат равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Концепцияда кўтарилган устувор вазибалар, хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларда ҳам оилаларда маънавий муҳит, соғлом оилани шакллантириш, келажак авлод тарбиясига алоҳида аҳамият қаратилаяпти. Ўтган даврда бўлим томонидан тадбиркорликка лаёқатли юзлаб хотин-қизлар аниқланиб, уларга ўз бизнесларини йўлга қўйишларида қўйиш кўмаклашилди.

Мухтасар қилиб айтганда, ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларида хотин-қизларнинг ўрни ва мақомини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вилоят кенгаши «Аёллар қаноти»нинг устувор вазифасига айланган.

ҚАРОР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНАЯПТИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқирисид гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек, тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда хизмат кўрсатишни лицензиялаш тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори асосида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш тартиб-қоидалари белгиланган.

Мазкур қарор лицензия олиш талаблари ва шартлари, лицензия олинган учун зарур бўлган ҳужжатлар тўплами, аризаларни қўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензияни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳамда лицензия шартлари бажарилишини назорат этиш тартибларини белгилаяпти.

Мирзо Улуғбек туманида ҳам мазкур қарор ижросига қатъий амал қилинмоқда. Хусусан, туманда мазкур фаолият билан шугулланувчи 1 та юридик шахс рўйхатдан ўтган бўлиб, 2012 йил давомида «NAVO SOZI SHERAL» МЧЖ аҳолига 44 674,5 минг сўмлик хизматлар кўрсатди.

ХАБАРЛАР

«ҚИЗИЛТЕПА ИПАГИ» НИИ БОШЛАГАЧ

«Бўстон» ва «Ғалдиён» қишлоқларидаги 60 нафар хотин-қиз ишли бўлди

«Обод турмуш йили»да маҳаллийлаштириш ҳамда инвестиция дастурлари асосида фаолият бошлаётган «Самарқанд-Сингапур» хорижий корхонаси ва Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги «Ипакчи» масъулияти чекланган жамияти муассислигидаги «Қизилтепа ипаги» корхонаси туманда етиштирилаётган қимматбаҳо саноат ҳом-ашёсини тўлиқ қайта ишлайдиган бўлди. Бу эса туман пиллачиларини 275 тоннага янги маҳсулотни сотиш учун харидор излашдан қўтқариши баробарида қўшимча даромад олиш имконини ҳам берди. Ўзаро келишувга кўра, «Қизилтепа ипаги» МЧЖда қайта ишланган ипак толаси тўлалигича «Самарқанд-Сингапур» хорижий корхонаси томонидан сотиб олинадиган бўлди. Эътиборли томони шундаки, корхонада ўрнатилган Хитой технологияси асосидаги автомат дастгоҳлар қўл меҳнати ва ишчи кучини тежаш, пировардида эса бозор иқтисодиёти шароитида энг муҳим омил — ишлаб чиқариш харажатларини кескин камайтириш имконини беради. Бундан ташқари, «Бўстон» ҳамда «Ғалдиён» қишлоқ фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 60 нафардан зиёд хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлади.

Мансур АСЛОНОВ тайёрлади.

ПИРИДАСТГИРЛИКЛАРНИНГ ХОВЛИ ТҮЙЛАРИ

Президентимизнинг ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид фармони ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро шаҳрининг Пиридастгир кўчасида 32 та оилага мўлжалланган 4 қаватли янги турар-жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги уй АТ «Ипотека банк»нинг Бухоро филиали кредит маблағи эвазига «Бухоро қурилиш» аграр-ишлаб чиқариш корхонаси бунёдкорлари томонидан барпо этилди. Таъкидлаш ўринлики, ўтган 2012 йилда Бухорода 29 та ёш оилага жами 1 миллиард 149 миллион сўмлик ипотека кредити ажратилди. Бундан ташқари 34 та ёш оила умумий миқдори 354,6 миллион сўмлик истеъмол кредити олиб, маиший техника жиҳозлари, мебель ва бошқа уй буюмларини харид қилишди. Мазкур йўналишдаги ишлар «Обод турмуш йили»да ҳам давом эттирилмоқда.

Асхор ИСТАМОВ тайёрлади.

НИИВ ЙҲХҲББ МАТБҲУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси матбуот хизматининг маълум қилишича, ўтган ҳафта давомида йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан жами 77450 та қондабузарлик аниқланган.

Жумладан, 1125 нафар ҳайдовчи транспорт воситасини маст ҳолда бошқаргани, 16761 нафари тезликни оширгани, 12351 нафари йўловчи ташвиш қондасини бузгани учун маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Шунингдек, автомобиль ойналарини меъёрдан ортиқ қорайтирган 604 нафар ҳайдовчига нисбатан ҳам тегишли чоралар қўрилди.

Хусусан, 19 февраль куни Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур тумани ҳудудида номаълум ҳайдовчи Сергели туманида яшовчи С.Тожибоевни уриб юборган ва покеа жойидан яширинган. НИИВ ходимлари томонидан олиб боришган тезкор суриштирув ишлари натижасида ушбу ЙТҲни Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи У.Рўзиев ўзига тегишли «МАТИЗ» русумли автомобилда солид этгани аниқланди.

2013 йил 20 февраль куни Бухоро вилояти Жондор тумани ҳудудида «НЕКСИЯ» русумли шахсий автомобилда ҳаракатланаётган Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида яшовчи Ш.Ражабов қарама-қарши йўналишда келаётган «КАМАЗ-53212» юк автомобилни тиркамасига уриган. Натижада икки киши касалхонага ётқизилиб, улардан бири вафот этган.

Шу куни солид бўлган яна бир ЙТҲ тегишли гувоҳнома-сиз транспорт воситасини бошқариш оқибатида юз берганини тасдиқлаш жоиз. Фаргона вилояти Учқўриқ туманида яшовчи Х.Ҳакимов ҳайдовчилик ҳужжати-сиз Қўқон шаҳрида яшовчи Ж.Тўйчиевга тегишли «САМСУНГ» русумли экскаваторда пиедани уриб юборган.

Натижада Қўқон шаҳрида янаган М.Расулов покеа жойида ҳалок бўлган.

ХОРАЗМДА КАНАЛЛАР ТИЗИМИ ҚАЙТА ТИКЛАНАДИ

2013-2016 йилларда вилоятнинг йирик сугориш тизимларидан бири реконструкция қилинадиган бўлди.

Хоразм вилоят ҳокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм вилоятидаги Тошсоқ тизими магистрал сугориш каналларини Ислом тараққиёт банки иштирокида қайта тиклаш» қарори билан тасдиқланган мазкур лойиҳа амалга оширилгач, воҳода электр токи билан ишлайдиган 300 та насосга эҳтиёж қолмайди ва ҳар йили 87,5 миллион КВт электр энергияси тежаллади. Таққослаш учун бутун вилоят ҳар куни 3,2 миллион КВт электр қуввати истеъмол қилишини айтиш мумкин.

Бундай маълумотларда сугориш тадбирларининг оптималлашуви ҳисобига ҳар йили 800 миллион куб метр қимматбаҳо оби ҳаёт иқтисод қилиниб, вилоятдаги мавжуд 266 минг гектар экин майдонининг 190 минг гектар қисмида сув таъминоти тудбан яхшиланиши қайд этилаяпти.

Шўҳрат ХУҲАЕВ тайёрлади.

О`зЛиDeP машаббўсу

Ёш олимлар лигаси таклифлар қабул қила бошлади

МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ ДАВЛАТНИНГ ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ТАБИЙИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ МАВЖУДЛИГИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ЮКСАК БИЛИМЛИ КАДРЛАР ПОТЕНЦИАЛИГА ҲАМ БОҒЛИҚДИР

Шўҳрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»

Бундай мутахассисларсиз иқтисодиётнинг юқори техно-логияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам интеллектуал салоҳиятли, Ватан тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган ёш мутахассисларни касбий, ижодий ва хизмат соҳаларида қўллаб-қувватлаш ва улар учун имкониятлар яратиш О'зЛиDePнинг Сайловолди дастурида алоҳида белгиланган.

Шунинг учун партия томонидан ёшлар билан ишлаш йўналишида тизимли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Буюк келажак сари», «Сенинг тенгдошинг», «Мустақиллик тўғрисида мулоқот бўлди», «Ёшлар салоҳияти — қишлоқ тараққиёти», «Ғоямиз — ҳимоямиз», «Парламентда меннинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...», «Ишбилармон талаба», «Диплом билан — бизнест» сингари лойиҳаларнинг самараси кенг жамоатчилик томонидан эътироф этила бошланди.

Ана шу лойиҳаларнинг узвий давоми сифатида 2012 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан «Давлат ва жамият ривожининг ҳозирги босқичида мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнларининг долзарб масалалари» мавзусида Республи-ка илмий-амалий анжумани ўтказилиб, тадбир доирасидаги ёш олимлар танлови ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Зеро, мазкур танловда «Давлат бошқарувини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш», «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш», «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш» каби учта йўналиш бўйича 140 дан зиёд ёш олим ва мутахассис иштирок этга-

ни унга бўлган қизиқишнинг янада оширди.

— Иқтидорли ёш олимлар ва мутахассисларни мунтазам қўллаб-қувватлаш, ўзаро фикр ҳамда ахборот алмаши-нувини таъминлаш орқали

иқотлар, илмий янгиликлар, ихтиролар қилиш, инноваци-он технологиялар яратиш жа-раёнларига кенг жалб этиш ва рағбатлантириш, ижтимоий ҳаётга фойдали янгиликлар олиб кирган, аммо маълум

О'ЗЛИДЕР УСТАВИДАН

Ёшларни миллий ғояга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўз элим, ўз юртим, жон Ўзбекистоним деб гурурланиб яшаш руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, ҳар қандай шароитда мустақиллик йўлини, қадриятлар, миллий ва диний анъаналар ва урф-одатларни қадрлаш баробарида барча миллат ва элатлар қадриятларини камситишга йўл қўймаслик, бундай хуружларга қарши кураш олиб бориш О'зЛиDePнинг асосий мақсад ва вазибаларидан биридир.

уларни партиянинг интеллектуал салоҳиятга эга кадрлар захирасига киритиш борасидаги ишлар реал натижалар бермоқда, — дейди О'зЛиDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими етакчи консултант Баҳодир Кучаров. — Шунга асосан, бўлимимиз томонидан «Обод турмуш йили»да «Ёш олимлар ва тадқиқотчилар лигаси» фаолиятини йўлга қўйиш ташаббуси илгари сурилмоқда.

Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш борасидаги устувор йўналиш-

ларнинг муваффақиятини таъминлашга ҳисса қўиш мазкур лиганинг асосий вази-фаларидан бири сифатида бел-гиланаяпти. Шунингдек, ушбу лига ёш олимлар ва тадқиқот-чилар ўртасида илмий-ижодий ҳамкорлик муҳити, дўстлик алоқаларини шакллантириш, ўзаро тажриба алмашиш ва илмий фаолиятини олиб бо-ришда бир-бирига кўмакла-шишда ҳам қўлай имконият яратди. Ёшларни турли тадқ-

сабалар билан илмий жами-ятлар эътиборига тушмай қол-ган навқирон авлод вакилла-рини кашф этиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш юза-сидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш ҳам лига фаолияти-нининг ажралмас қисми бўли-ши кутилмоқда.

Лиганинг асосий мақсал-ларидан яна бири тадбиркор-лик кўникмаларини ўзида му-жассам этган профессионал тренерлар тайёрлашдан иборат-тир. Бундан ташқари янги тузилма барча соҳада мустақ-кам билимга эга кадрлар тай-ёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Шу муносабат билан О'зЛиDeP «Ёшлар қаноти» томонидан «Ёш олимлар ва тадқиқотчилар лигаси»нинг низоми ишлаб чиқилиб, партия сайтига joyлашти-рилди. Либерал-демократик ғояларга қизиққан барча ёшлар ва партия илгари сур-ат-ган мақсад ва вазибаларни қўллаб-қувватловчи хайрихоҳ-лар ҳам ушбу низомни тако-миллаштириш юзасидан ўз таклифларини беришлари мумкин.

«ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ОИЛАНИНГ АҲАМИЯТИ»

Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-ҳунар коллежида О'зЛиDeP вилоят кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими ҳамда партия Бухоро шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ана шу мавзуда ўтказилган давра суҳбатига «Мустақкам оила йили»да ҳудудда амалга оширилган ишлар ҳамда оиланинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Давра суҳбатига ўзини ўзи бошқариш идораларининг оила мустақкамлигини таъминлашдаги роли, маҳалла посбонлари, умуман, кенг жамоатчиликнинг ўсмир ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги масъулияти, қизларни эрта турмушга бериш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, оилаларда миллий қадриятлар ва анъаналаримизни сақлаш юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Таъбирла, шунингдек, ота-оналик ҳамда фарзандлик бурчи ва масъулияти, ахлоқ-олобга оид муаммолар ҳаётий мисоллар асосида очиб берилди.

Асхор ИСТАМОВ тайёрлади.

Савол беринг, жавоб берамиз!

Яқинда хорижда ишлаб чиқарилган ва «Узстандарт» агентлигининг мувофиқлик сертификатига эга бўлган газ сарфини ўлчаш асбобини сотиб олдим. Айтингчи, ана шу сертификат менга газ ўлчагич асбоби (воситаси)ни 4 йил давомида метрологик текширувдан ўтказмасдан фойдаланиш ҳуқуқини берадими?
М.Мамадалиева (Тошкент шаҳри)

Импорт маҳсулотлари учун айнан шу товар ишлаб чиқарилган давлатларда берилган мувофиқлик сертификати Ўзбекистонда тан олинadими ёки шу турдаги товарлар қайта синовдан ўтказиладими?
О.Хайдаров (Жиззах вилояти)

— Ўзбекистон Республикасига хориждан олиб келинадиган товарларга шу товар ишлаб чиқарилган давлат томонидан берилган мувофиқлик сертификати тан олинади. Бироқ товарлар Ўзбекистон Республикасининг мувофиқлик сертификати билан қайта расмийлаштирилиши лозим.

Саволларга «Узстандарт» агентлиги мутахассислари Ирода Усмонова ва Файрат Ғозиев жавоб беришди.



КОРАКАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Шуманай туманидаги «Сарманбайкол» ОФЙда «Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда О'zLiDePнинг устувор вазифалари» мавзuida тadbир ўтказилди. Унда партиянинг фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, маҳаллалар билан ҳамкорлиги муҳокама марказида бўлди.



ХОРАЗМ. О'zLiDeP Гурлан туман кенгашида «Обод турмуш йили»да О'zLiDeP, хусусан, БПТларнинг устувор вазифалари атрофлича кўриб чиқилди. Тадбирда ўтган йили эришилган ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, 2013 йилдаги фаолият йўналишлари белгилаб олинди.



САМАРҚАНД. «Миллий банк» Нуробод туман филиали қошидаги БПТда «Бошлангич ташкилотларнинг партия фаолиятидаги ўрни» мавзuida семинар ташкил этилди. Тадбирда БПТ аъзоларининг жорий йилдаги фаолият самардорлигини янада оширишга доир таклифлар кўриб чиқилди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

2013 йил 28 февраль, пайшанба, 08 (484)–сон web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Электроратга эътибор мустаҳкам ишонч асосидир

ОЛТИАРИҚ ТУМАНИДАГИ «ФРОМОДА ТЕКСТИЛЬ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИДА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ИШ БОШЛАДИ

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

Маълумки, сиёсий партияларнинг халқ орасидаги маъқеи жойларда олиб борилаётган тартибот-ташвиқот ишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

О'zLiDeP электрорати бўлган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда ҳам ҳудудлардаги қўйи бўгинлар ҳамда улар атрофига уюшган фаолларнинг ҳиссаси алоҳида бўлмоқда. Ҳозир партия туман кенгаши тизимида 30 та БПТ фаолият юритаётган бўлса, яқинда улар қаторига «Фромода текстиль» МЧЖ қошида тузилган яна бир ташкилот қўшилди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, корхона ўз маҳсулотлари билан нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ном қозонаётган ишлаб чиқариш субъектларидан ҳисобланади. Бу ерда 34 ишчи-хизматчи бўлиб, 2012 йилда улар томонидан 435 млн. сўмлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Сифатли маҳсулотнинг қарийб тенг ярми эса экспорт қилинди.

— Эришилаётган натижаларда БПТ аъзоларининг ҳам салмоқли улуши бор, — дейди БПТ раҳбари Зумрадхон Обиджонова. — Корхона қошидаги қўйи бўгин ўз атрофига 11 нафар партия аъзосини жипслаштирган. Улар «Кучимиз ва муваффақиятимиз — бирликда» шиори остида иш юритиб, жамоага ҳар жиҳатдан ўрнатқан бўлмоқдалар. Хусусан, корхонамиз раҳбари, халқ депутатлари туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Авазбек Абдурахимовнинг фаоллиги билан партиянинг мақсад ва вазифалари



аҳоли, айниқса, тadbиркорлар орасида кенг тарғиб этилмоқда. Дарҳақиқат, қўйи бўгин аъзолари мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида фуқаролар тaмоғига ҳар жиҳатдан ўрнатқан бўлмоқдалар. Хусусан, корхонамиз раҳбари, халқ депутатлари туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Авазбек Абдурахимовнинг фаоллиги билан партиянинг мақсад ва вазифалари

сиёсий партияларнинг маъқеи тобора мустаҳкамланаётган. Улар аҳолини, жумладан, ёшларни ғоявий тарбиялашда катта имкониятларга эга. Биз юқорида тилга олган БПТ фаоллари ҳам шунини назарда тутиб, кўпроқ аҳоли орасида бўлиш, сиёсий тadbирлар самарали усуллари билан фойдаланиш муҳим эканини яхши англамоқдалар. Бусиз қўзланган мақсадларга тўла эришиб бўлмайди. Зеро, жамиятимизда

О'ZLIDEP УСТАВИДАН

Бошлангич партия ташкилоти аҳоли ўртасида катта ҳурмат ва обрўга эга бўлган турли ижтимоий гуруҳ вакиллари билан алоқа ўрнатади, улар билан доимий учрашувлар уюштириб, юзага келаятган муаммоларни ўрганади ва партия воситалари билан уларни ҳал этишга кўмаклашадди, партия қарорларининг бажарилишида уларга таянади.

— Олтиариқликлар азалдан тadbиркорлиги билан бошқалардан ажралиб туради, — дейди З.Обиджонова. — Бу ерда, айниқса, деҳқончилик маданиятини ривожлантириш борасида ўзига хос тажриба тўпланган. Олтиариқнинг сархил узумлари, турп ва бодринглари ким билмайди. Истиқлол шарофати билан маҳаллий деҳқонлар учун янада кенг имкониятлар яратилди. Биз ана шундай фидойи, меҳнаткаш инсонлар билан елкама-елка туриб, О'zLiDeP ғояларини тарғиб ва ташвиқ қилаётганимиздан беҳад мамнунмиз.

Умуман, давр билан ҳамнафаслик туман партия кенгаши тизимидаги бошлангич ташкилотларга хос хусусиятдир. Зеро, мақсадлар муштарак бўлган жойда янгидан-янгидан ютуқлар учун кенг йўл очилди. Олтиариқ туманида эришилаётган муваффақиятлар бунинг ёрқин мисолидир.

ХАБАРЛАР

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ БИЗНЕСГА ЖАЛБ ЭТИЛМОҚДА



О'zLiDeP Оҳангарон туман кенгаши «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида ўз бизнесини очиш истагида бўлган касб-хунар қолжлари битирувчилари билан очиқ мулоқот ўтказди.

Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тadbиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия ва туман ахборот-маслаҳат маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тadbирда «Микрокредитбанк», «Қишлоққурилишбанк», «Агробанк», солиқ инспекцияси, ахборот-маслаҳат маркази унитар корхонаси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази масъул ходимлари коллежлар битирувчиларига бизнес-режа тузиш, кредит олиш, мулкни гаровга қўйиш, солиққа оид қонун-қоидалар хусусида атрофлича маълумот беришди.

КОНЦЕПЦИЯ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Пахтабод туман бўлими қошидаги БПТда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган устувор йўналишлар ҳамда О'zLiDeP Сайловолди дастурда белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Унда партия вилоят ва туман кенгаши раҳбарлари, туман хотин-қизлар қўмитаси, ФХДБ бўлими вакиллари, МФЙлар раислари, БПТ раислари, 300 нафардан зиёд электрорат вакиллари иштирок этди. Тадбирда БПТ раиси Малика Жалолованинг йиллик ҳисоботи ҳам тингланди. Жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш ва ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш юзасидан қўйлаб фикр-мулоҳазалар, амалий таклифлар билдирилган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Фарида Араббоева иштирок этди.

Ахборжон МУСУРМОНОВ тайёрлади.

НУРОБОДЛИК ҚУНДУЗ ХУДОЁРОВА ҚЎШНИЛАРИНИ ХАМ ТАДБИРКОР ҚИЛМОҚЧИ

Самарқандда О'zLiDeP вилоят кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, Марказий банк вилоят бошқармаси, «Тadbиркор аёл» ассоциацияси вилоят бўлими томонидан «Оилавий тadbиркорликдан — мустаҳкам оиллага» номи лойиҳа доирасида «Бизнес-режа тузиш ва уни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш» мавзuida амалий семинар ташкил этилди. Унда иштирок этган тadbиркор аёллар, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар ўзаро фикр алмашишди. Давра суҳбатида тadbиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизлар амалдаги қонунлар, айниқса, 2012 йилда қабул қилинган «Оилавий тadbиркорлик» тўғрисидаги қонунда белгиланган имтиёзлар билан муфассал таништирилди. Бизнес-режа тузиш ва кредит олиш тартиблари ҳақида маълумотлар берилди. — Мустақилликнинг илк йилларидан оилавий тadbиркорлик билан шуғулланиб келаяпмиз, — дейди тadbир қатнашчиларидан бири, нурободлик Қундуз Худоевора. — Уйда момоларимиздан мерос бўлиб келаятган ҳунар — гилам ва гилам маҳсулотлари тўқишни йўлга қўйганмиз. Жорий йилда фаолиятимизни янада кенгайтириб, қўшни қиз-жувонларни ҳам ишимизга жалб этмоқдамиз. **Муҳаббат РАВШАНОВА тайёрлади.**

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Айни пайтда О'zLiDeP Бухоро туман кенгаши тизимида 45 та бошлангич ташкилот бўлиб, ҳозирда улар ўз атрофига 971 аъзони бирлаштирган. Бу, албатта, катта кучдир. Партия дастурий вазифаларини амалга ошириш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, қўйи бўгинларнинг ғоявий уюшқоқлигини таъминлаш, тарафдорлар сафини кенгайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Ана шу мақсадда жойларда турли мавзуларда амалий семинар, учрашув ва анжуманлар ташкил этилиб, уларда кенг жамоатчиликнинг иштироки таъминланаётган. Айниқса, бу жараёнда ёшларнинг сиёсий фаоллиги яққол кўзга ташланаётган. — Ҳудудимиздаги аксарият БПТларга ғоявий жиҳатдан етуқ ва ташкилотчи ёшлар етакчилик қилишаёпти, — дейди О'zLiDeP туман кенгаши аппарат раҳбари Саттор Бафоев. — Бу эса кундалик фаолиятимизни йўлга қўйишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

2009 йили «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти Бухоро филиали Галаосиё алоқа тармоғи қошида бошлангич партия ташкилотига асос солинган эди. Ўшандан бери унга халқ депутатлари туман кенгаши депутати Муҳаррам Мирзаева етакчилик қилмоқда. Айни пайтда барча маслакдошлар юрт келажиги, ислохотлар тақдири учун ўзларини тўла масъул, деб билишаёпти. Шу боис партиявий бурчга масъулият билан ёндашиб, ўзларига топширилган вазифаларни сидқи-

дилдан адо этишга интилишмоқда.

М.Мирзаеванинг таъкидлашича, БПТнинг фаолият доираси анча кенг. Яъни, мамлакатимизда кечаятган

сий ишлар билан чекланиб қолмай, ўз хизмат вазифаларини ҳам сидқидилдан адо этишмоқда. Почта алоқасини намунали йўлга қўйиш, замонавий ахборот-коммуника-

О'ZLIDEP УСТАВИДАН

Бошлангич партия ташкилоти ҳар томонлама билимдон, сиёсий ва ижтимоий тайёргарликка, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш соҳасида янги ғоя ва таклифларга эга бўлган, партия воситалари билан тadbиркорлар, фермерлар, хусусий сектор вакиллари ва бошқа партия аъзолари манфаатларини ифодалашга қодир, обрўли ва жонкуяр шахсларнинг ихтиёрий равишда бирлашишидан ташкил топади.

ижтимоий-сиёсий жараёнлар эътибордан четда қолаётгани йўқ. Дилбар Маъмурова, Жаҳонгир Ғафуров, Илди Фатуллаев ва Шухрат Қуватов каби партия фаолларининг бу борадаги саясий ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Дарҳақиқат, туман марказидаги Ойбек, Наврўз, Галаосиё, Дўстлик фуқаролар йиғинлари доирасида оилавий тadbиркорликни ривожлантириш, турмуш фаровонлигини оширишда О'zLiDeP фаолларининг ҳиссаси катта бўлаётган. «Оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кенгайтиришда О'zLiDePнинг роли», «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик — фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи» каби мавзулардаги тadbир ва давра суҳбатларида ҳам тadbиркорликни ривожлантириш, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилаяпти.

БПТ аъзолари ғоявий-сиё-

сий технологияларини кенг жорий этиш ва янада ривожлантириш уларнинг асосий шioriга айланган. Шу тўғрисида аҳоли турли қатламлари, корхона, ташкилот ва муассасаларга кўрсатилаётган хизмат маданияти ошиб, турли даврий нашрлар ўз вақтида жойларга етказиб берилмоқда. Тумандаги 12,5 минг нафар пенсия олувчи ҳам почта бўлими хизматидан миннатдор.

Бир сўз билан айтганда, партиявий бурчга масъулият билан ёндашиш мазкур корхона мисолида ҳам ўз самарасини бераётган. Ҳозирги кунда БПТ ҳисобида 11 маслакдош бўлиб, жорий йилда улар сонини 15 нафарга етказиш кўзда тутилган. Тўғри, туман ҳудудида 1016 киши О'zLiDeP сафида эканини ҳисобга олсак, бу унчалик юқори кўрсаткич эмасдек туюлиши мумкин. Лекин партиявий иш самараси сон билан эмас, балки сифат билан белгиланишини, бу борадаги натижалар ҳаммамизга ва ҳар биримизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим.



МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА 2013 ЙИЛ УЧУН

XXI ASR

ижтимоий-сиёсий газетасига

ОБУНА давом этмоқда.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

Банк тизими

Реклама ўрнида



Кичик бизнесга — катта эътибор

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БЎГИНИГА АЙЛАНГАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА КЕНГ ҚўЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Табиики, ушбу жараёни банк-молия муассасалари фаолиятидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки ҳам яратилган қўлай шарт-шароитлардан фойдаланиб, республикамиз молия бозорида ўз мавқеини тобора мустақамламоқда. Хусусан, банкнинг Қорақалпоғистон филиали аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондириш, пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш, миқозларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш борасида яхши натижаларга эришяпти.

Таъкидлаш керакки, буғунги кунда банк филиали 50 мингдан зиёд юридик ва жисмоний шахсларни ўз атрофига жипслаштирган. Улар сафи тобора ўсиб бораётганлиги эътиборга моликдир. 2013 йил 1 январь ҳолатига жами активлар миқдори 82,3 млрд. сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 19,9 млрд. сўмга ўсди.

Ҳар бир банкнинг кредит «портфели» унинг молиявий салоҳиятини, хизмат даражасини белгилаши ҳаётий тажрибадан яхши маълум. Бу, айниқса, ҳозирги ислохотлар жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. «Асака» банк филиали жамоаси ҳам давр талабидан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали жойларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўтган йили банк томонидан кичик бизнес субъектларига 23,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар берилди. Бунинг натижасида 528 та янги иш ўрни ташкил этилганлиги диққатга моликдир.



Мана, бир мисол. Нукус шаҳридаги «Строй Вектор» масъулияти чекланган жамиятига темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имтиёзли асосда узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилган эди. Шу ҳисобдан кам энергия қуввати сарфлайдиган тежамкор, замонавий технологиялар, махсус ускуналар харид қилинди. Натижада корхона йилига 3 млрд. сўмдан зиёд қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Қолаверса 25 киши муқим иш билан таъминланди.

Амударё туманидаги «Boyouvul Ro'yabzali» масъулияти чекланган жамияти ҳам банкнинг молиявий ёрдами билан фойдаланиб, ўз фаолиятини кенгайтирмоқда. Ушбу корхона имтиёзли шартлар асосида ажратилган узоқ муддатли кредит маблағлари ҳисобига ўтган йили 124,0 млн. сўм миқдорида маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.

Шунингдек, бир неча янги иш ўрни ташкил этилди.

«Асака» банк филиали сармоялари жойларда хизмат сифатини ва маланиятини оширишда ҳам муқим аҳамият касб этмоқда. Дейлик, Нукус шаҳрида фаолият бошлаган «MUSTANG HILL» масъулияти чекланган жамиятига белгиланган режаларни амалга ошириш учун узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилган эди. Эндиликда ушбу корхона аҳолига тезкор ва сифатли маиший хизмат кўрсатиб, яхши натижаларга эришмоқда. Энг муҳими, 10 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Шу билан бир қаторда оилавий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истагида бўлган касб-ҳунар қоллежлари битирувчиларини молиявий қўллаб-қувватлашга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2012 йил давомида 49 та оила банкдан кредит олиб, чорвачи-

лик фаолиятини йўлга қўйди. 13 нафар коллеж битирувчиси ҳам банкнинг молиявий ёрдами билан муқим иш ўрнига эга бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— 2009 йилдан буён «Асака» банкнинг миқозиман, — дейди хусусий тадбиркор Клара Худайбергенова. — Ишончли ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Рўзгоримга қутбарака кириб, ҳаётдан муносиб ўрнини тошдим. Фаолиятимни янада кенгайтириш яқин келажақдаги асосий мақсадимдир.

Қисқаси, «Асака» банк Қорақалпоғистон филиали жамоаси Оролбўйи ҳудудида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, турмуш фаровонлигини ошириш, кичик ва хусусий бизнесни янада ривожлантириш йўлида барча молиявий имкониятлардан фойдаланмоқда. Бунинг юқоридаги фикрлар ҳам тўла тасдиқлаб турибди.

Банк матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҲОЯЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»-ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»-ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қўлай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга ошириладиган ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига қўмақлашилади.

Танлов қўйидаги йўналишларда ўтказилали: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестицион жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболлига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Батафсил маълумот учун:
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-site: www.ffpd.uz;
E-mail: pdf.fund@gmail.com.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда қатнашиш учун
БУЮРТМАНОМА

1. _____
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

2. _____
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)

3. _____
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари _____
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

2-илова

Инвестиция таклифининг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускорни тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Негизда лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар салоҳияти.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми; дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлилигининг баҳоси.
4.2. Ишлаб чиқариш:
лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўладиган ходимлар сони.
4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
4.4. Молиялаштириш:
лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мажбуллиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан қўйидаги натижалар:
қўйидагилар йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг
ПАСПОРТИ

(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)

№ п/п	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг. долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг. долл.		
2.2.	Қурилиш-монтаж ишлари учун	минг. долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қоплашиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлигига мувофиқ			



Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» очик акциядорлик-тижорат банки жамоаси ҳам ўз олдига турган вазибалардан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, айланма маблағларни тўлдириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Дейлик, пул маблағларини бошқариш, ҳисоб-китобларни сифатли амалга оширишда замонавий усуллар жуда қўл келаётди. Натижада миқозлар аудиторияси кенгайиб, ўтган йил якуналари бўйича уларнинг жами сони 176245 тага етди.

Маълумки, электрон ҳисоб-китобнинг қўлай воситаси саналган пластик карточалар кундалик ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Бу аҳолидан электр энергияси, табиий газ ва бошқа коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида йиғишда жуда қўл келаётди. Айни пайтда янги хизмат туридан фойдаланувчилар сони 154216 нафарга етганлиги ҳам бежиз эмас. Шунингдек, тургун савдо нуқталари, автоматбилларга ёнилги куйиш шохобчалари, дорихоналар, кафе ва бошқа савдо-сервис тармоқларида 3483 та терминаллар ўрнатилган бўлиб, 2012 йил давомида уларнинг сони 511 тага ошган. Яна бир гап. Банк амалиётида «SmartVista» он-лайн тизимини жорий этиш мақсадида барча терминаллар «Процессинг» марказида рўйхатдан ўтказилди. Шу тўғрисида эндиликда банклараро тўловлар бемалол амалга оширилмоқда.

Президентимиз томонидан 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон талабларидан келиб чиқиб, «Савдогарбанк» 2012 йилда аҳолига миллий валюта шаклидаги бир неча омонат турларини таклиф қилди. Юқори даромад тўланадиган «Коммунал тўлов», «Мустақам оила», «Келажакка сармоя», «Ёз саховати», «Янги йил баракаси», «Омад қувончи» ва «Обод турмуш» муддатли омонат турлари ана шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш банк кредит сисётида алоҳида ўрин тутди. Хусусан, жорий йилнинг январь ҳолатига кредит қўйилмалари 159677 млн. сўмни ташкил этди. Инвестицион кредитлар миқдори ҳам тобора ортиб бормоқда. Ўтган йили ана шу мақсадлар учун 34181 млн. сўм сармоя йўналтирилиб, жами инвестицион кредитлар қолдиги 71745 млн. сўмдан ошди. «Мустақам оила йили»да молия муассасаси томонидан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга бирламчи эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига банк томонидан ёш оилаларни рағбатлантириш мақсадида ажратилган кредитлар миқдори 5 млрд. 438 млн. сўмни ташкил этди. Шунинг 2 млрд. 548 млн. сўми миқро-кредитлар, 241 млн. сўми истеъмол ва 2 млрд. 676 млн. сўми эса ипотека кредитларидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳозирги кунда ҳар қачонгидан катта аҳамиятга эга. «Савдогарбанк» ҳам бу хайрли ишдан

четда қолаётгани йўқ. Зеро, аҳолининг талаб-эҳтиёжларини қондириш, мамлакатимиз ички бозорини истеъмол моллари билан тўлдириш, қўшимча иш ўринлари яратиш иқтисодий ислохотлардан қўзланган асосий мақсаддир. Ушбу соҳаларга жами 89 млрд. 887 млн. сўм кредит маблағи йўналтирилганлиги ҳам бежиз эмас.

Таъкидлаш жоизки, республикаимиздаги минг-минглаб тадбиркор аёллар банкнинг доимий миқозлари. Ўтган йил давомида улар фаолиятини молиявий ривожлантириш учун 12 млрд. 710 млн. сўм кредит сармояси ажратилди. Бу борадаги хайрли ишлар давом эттирилмоқда.

Чорвачилик қишлоқ ҳўжалигининг етакчи тармоқларидан биридир. Банкларнинг моддий қўмаги туфайли жойларда чорва туёқ сони ошиб, эл дастурхонига қут-барака кирмоқда. «Савдогарбанк» ҳам ана шу жараённинг фаол иштирокчиларидан саналади. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорвачиликни ривожлантириш учун 2 млрд. 676 млн. сўм миқдорида микрокредит ажратилди. Шу билан бир қаторда 24 млрд. 968 млн. сўм маблағ озик-овқат маҳсулотлари, 13 млрд. 688 млн. сўм сармоя эса ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун йўналтирилди.

Албатта, юқоридаги натижаларга осонликча эришилаётгани йўқ. Улар заманида жамоанинг ҳамжиҳатлиги, меҳнат ва изланишлари мужассамдир. Ишонамизки, соҳадаги илгор тажрибаларга амал қилиниб, «Обод турмуш йили»да хизмат сифати ва маланиятини янада оширишга эришилади.

Мусурмон РЎЗИЕВ тайёрлади.

Халқаро ҳаёт

Геннотерапиядан сақланинг

ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ҚАЙД ЭТИЛИШИЧА, АЙНИ ПАЙТДА 200 МЛН. ГЕКТАР ЕРДА ГЕНИ ЎЗГАРТИРИЛГАН ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИ ЕТИШТИРИЛМОҚДА. ЗЕРО, БУ КЎРСАТКИЧ БЕШ ЙИЛ МУҚАДДАМ 125 МЛН.НИ ТАШКИЛ ЭТГАН ЭДИ

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Ҳақиқатан ҳам бир оилага мансуб бўлмаган тирик организмларнинг ча- тиштирилиши, аниқроғи, жонивор- лар генининг экинларга, ўсимликлар генининг эса ҳайвонларга ўтказили- шини назарда тутувчи ген инженерия- сининг маскур йўналиши озиқ-овқат маҳсулотларининг ақл бовар қил- мас даражада турли шакл, ранг ва вазнга эга бўлишига олиб келмоқда. Албатта, 2050 йилга бориб дунё аҳолисининг 10 млрд.га етиши ҳақида- ги башоратлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби орти- шидан далолат бераяпти. ЮНЕСКО маълумотларида 1.5 млрд. гектар унум- дор ернинг 6-7 млн. гектари деграда- цияга учраётгани, иқлим ўзгаришла- ри, қурғоқчилик, зараркунандалар- нинг кўпайиши ҳам мавжуд вазиятни янада чингаллаштираётгани қайд эти- лаяпти. Бу эса озиқ-овқат маҳсулотла- ри танқислигини кучайтириши баро- барига, дунёнинг баъзи бир ҳудудла- рида очарчилик балосини келтириб чиқараётир. Шундай бир вазиятда дунё олимлари кам маблағ сарфлаб, кўп ҳосил олиш мумкин бўлган, ҳар қан- дай зараркунандалар ҳужумига дош берувчи гени ўзгартирилган маҳсулот- лар ҳажмини янада кенгайтиришни тақлиф этишганида бу усул вақти ке- либ очарчиликнинг олдини олишига кўпчилик ишонган эди.

Аммо иқтисодчилар, сиёсат ола- мининг вакиллари бундай маҳсулот- ларнинг пайдо бўлиши муаммонинг ижобий ечимини топиш имконини бермаганини, сайёрамизда ўта қаш- шоқлар сони 1,3 млрд. дан олганини таъкидлай бошладилар. Бу ҳам етма- гандек, сунъий йўл билан олинган маҳсулотларнинг инсон организмга салбий таъсири, аслида бунинг зами- рида фойда кўриш, иқтисодий манфаат ётганини тилга олинмоқда. Лекин айрим ген инженериясини ривожлан- тириш тарафдорлари ҳамон ГҲМ уму- ман хавфсиз, деган фикрда қолмоқ- далар. Аммо кейинги ўн йилликда бу фикрлар ўзини оқламади. Таҳлилчи- ларнинг фикрича, ҳозирги кунда дунё миқёсида 90 га яқин гени ўзгартирил- ган ўсимликлар бўлиб, шу кеча-кун- лудза эса 22 миллион гектар ерда соя, 11,5 млн. гектар майдонда маккажўҳо- ри, 4 миллион гектар ерда гени ўзгар- тирилган пахта ва бошқа техник ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштири- лаяпти.

Демак, дунёда гени ўзгартирилган маҳсулотларни истеъмол қилмаган одам қолмади, десак муболаға бўлмайди. Чунки бундай моддалар қол- баса, шоколад, чипс, сут ва конди- тер маҳсулотларининг аксарият тур- ларига кўпилади. Бундан ҳам ёмони — маҳсулот ишлаб чиқарувчилар кўп ҳолларда мижозларга озиқ-овқат тар- кибига ГҲМ қўшилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаяптилар. Шу ўринда бутун деярли барча мамлакат- ларда фаст-фудлар сон-саноқсиз эканлиги ва улар миллиардлаб ҳўран- даларнинг асосий таомхонасига ай- ланганини ҳам эслан чиқармаслик керак. Тез тайёрланадиган бундай ҳу- гулик эса ёш болалар орасида семирish ҳамда астма касаллигига чалиниш хавфи- ни кучайтирар экан.

Шу ўринда ГҲМ маҳсулотлари- нинг ҳайвонларга таъсири акс этти- рилган саноқли тадқиқотлар энди- энди оммавий ахборот воситаларида эълон қилина бошланганини таъкид- лаш жоиз. Башарият эса қарийб 20 йилдан буён бундай маҳсулотларни

озик модда сифатида қабул қилаётир. Соҳа мутахассисларининг фикрича, ирси ўзгартирилган жониворлар ва ўсимликларнинг ҳаётга лаёқатлилиги ва уруеланиши сўст бўлиб, улар ўзи- дан насл қолдиришни истамайди. Мана шу маълумотнинг ўзиёқ гени ўзгар- тирилган маҳсулотлар таҳдиди жиддий эканидан далолатдир. Мисол учун, яқинда британиялик бир гуруҳ олим- лар каламушларни трансген картош- ка билан боққанларидан кейин улар ошқозонида гайритабiiий ўзгаришлар пайдо бўлиши натижасида бирин-ке- тин қирилиб кетган. Бундан ташқари ген ўзгариши ҳайвонларда агрессив- ликнинг кучайишига сабаб бўлиши айтилмоқда. Икки йил аввал АҚШ- нинг Aqua Bounty Technologies ком- панияси мутахассислари томонидан лосось балиғида генетик тажриба ўтка- зилди. Бир қарашда тажриба кўнгил- дагидек ўтиб, лососнинг ҳажми ва вази- ни анча ортган. Лекин кейинчалик бу балиқда ваҳшийлик ва қонхўрлик хусусиятлари кучайгани маълум бўлди. Олимлар инсон қанча кўп генетик ўзгартирилган маҳсулотлар истеъмол қилса, унинг қон таркибида хавфли ўзгаришлар, ошқозон-ичак фаолия- ти, нерв тизимининг бузилиши ва ал- лергик касалликлар келиб чиқиш эҳтимоли кучайишини таъкидламоқ- далар. Шунинг учун гени чапиштирил- ган маҳсулотларни ишлаб чиқариш- да етакчи саналган АҚШ, Канада, Лотин Америкаси ва Европа мамла- катларида бундай ўсимликлардан олинган озиқ-овқат маҳсулотларига мажбурий тарзда белги қўйиб сотиш жорий этилган. Бу талабга риоя қил- маган компанияларга эса жуда катта миқдорда жарима қўлланилиши бел- гилаб қўйилган.

Тўғри, тиббиётда ирсий касаллик- ларга тахис қўйиш ва даволаш, вак- циналарнинг янги авлодлари ҳамда доривор моддалар синтети, турли микробиологик тадқиқотларда ген муҳандислиги усуллари қўлланилаёт- гани ва деярли ҳеч қандай эътирозлар- га сабаб бўлмаётгани ҳам рост. Аммо баҳс-мунозаралар асосан бундай маҳ- сулотларнинг инсон организмга қан- чалик зарarli экани хусусида бормоқ- да. Масалан, помидорларнинг совуққа чидамли тури акула гени билан ча- тиштириш натижасида олинганини кўпчилик билмаса керак. Японияда эса қўён гени қарам уруғи билан чапиш- тирилиб, тўқ сарик рангли қарам яра- тилди. Геннотерапиянинг юксак маҳ- сули, дея аталаётган янги қарамнинг бу тури япон бозорларида табиий оқ ва кўк рандагиларига нисбатан анча харидорғир экани таъкидланмоқда. Хитойда эса гени ўзгартирилган товуқ пайдо бўлганлиги айтилмоқда. Олим- ларнинг фикрича, унинг тухуми ўзида турли оқсиллар ва ҳатто саратон ҳас- талигига қарши модда сақлаш хусу- сиятига ҳам эга экан. Бу кашфиёт ҳали ўз исботини топмасиданоқ ана шу юрт ген инженериясида мисли кўрилма- ган янгиллик, яъни товуқсиз тухум яратилгани барчани бирдек ажаблан- тира бошлади.

Ҳа, чиндан ҳам XXI асрда ген ин- женерияси изчил ривожланмоқда. Фақат озиқ-овқат саноати эмас, бал- ки дунё фармацевтикасида ҳам тай- ёрланаётган дори-дармонларнинг де- ярли ярми генетик ўзгартирилган ўсимликлардан олинадиган махус- терапевтвк оқсиллар ёрдамида ишлаб чиқарилмоқда. Илгари бу оқсиллар асосан бактериялардан, ҳайвонлар- нинг ҳужайраларидан олинар эди. Тўғри, ўсимликлар синтезлаган оқсиллар касалликларни даволашда яхши самара бериши мумкин. Аммо танганнинг иккинчи томони бўлгани- дек, гени чаптиштирилган ўсимлик-



лардан олинган дорилар инсон сало- матлигига салбий таъсир этмайди, деб ҳеч ким қафолат бера олмаяпти. Экологлар эса генетик ўзгартирилган ўсимликлар ёввойи табиатда ҳам та- рқалишидан хавотирга тушмоқдалар. Агар бу ҳодиса юз берса, йиллар ўтиб бутун бошли экотизимнинг издан чи- қиши айтилмоқда. Ёнг ёмони, гене- тик ўсимликлар ер танламайди. Улар исталган шароитда ривожланаверади. Масалан, бундан бир неча йил ав- вал АҚШда данаксиз тарвузлар етиш- тириш ва унинг уруғини экспорт қилиш авж олган эди. Мутахассислар- нинг таъкидлашича, маскур тарвуз- лар жуда қисқа фурсатда дунёнинг ис- талган ҳулудида ҳосилга кириши маъ- лум бўлди.

Айрим манбаларда гени ўзгарти- рилган маҳсулотлар сотуви «улкан бизнес юриши» сифатида ҳам баҳо- ланмоқда. Шунинг учун ҳам 6 йил- дан бери Евроиттифоқ ҳудудида асо- сан Шимолй Америкадан кириб ке- лаётган генетик ўзгарган сунъий уруғлар импорти тақиқланган. Гене- тик хавфсизлик умуммиллий ассоци- ацияси маълумотларига қараганда, гени ўзгартирилган маҳсулотлар етиштириш бошланганидан буён 43 та давлатда камида 137 та атроф-му- ҳит ифлосланиши ҳодисаси юз бер- ган. Шу ўринда сунъий уруғ соф уруққа аралашса, уни ҳам зарарла- ши ва генетик айниш жоага келиши фанда ўз исботини топганини таъкид- лаш жоиз. Бир сўз билан айтганда, ген муҳандислиги биотехнология усулла- ри, ядро энергияси каби улкан жа- раёнга айланиб бормоқда. Ана шу соҳага ихтисослашган аксарият ком- паниялар кишиларни ГҲМнинг хав- фсиз эканига ишонттиришга урин- моқдалар ва бунга қайсидир маъно- да эришмоқдалар ҳам. Аммо яқин ўтмишга назар ташласак, бунинг ак- сига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Зеро, 2001-2002 йилларда Германиянинг «Syngenta» фирмаси томонидан етиш- тирилган «Вt-176» маккажўҳориси билан боқилган қорамоллар бош сони кескин камайиб, сут ишлаб чиқариш ҳажми қисқарган ва қўлаб далаларнинг заҳарланишига сабаб бўлганини ёдга олиш мумкин. Бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади.

Айниқса, АҚШ бу борда етакчи ўринда. 2008 йили ушбу давлатда 62

млн. гектар ер ГҲМ экинларига аж- ратилган. Бозор расталаридаги озиқ- овқат маҳсулотларининг 80 фоизини ҳам айнан генетик ўзгартирилган маҳсулотлар ташкил этмоқда. Шу ўринда трансген ўсимликларнинг би- ринчи авлоди бундан роппа-роса 20 йил аввал айнан Американинг «Мон- санто» компанияси томонидан яра- тилганини ҳам айтиш мумкин.

Таассуфлар бўлсинки, кейинги пайтларда жаҳон ОАВларида тарки-

бида турли трансген компонентлар- ни сақловчи моддалардан биологик қурол сифатида фойдаланиш хавфи туғилаётгани ҳам таъкидланмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, анъанавий экин экилган далага ўзгар- тирилган генлар чангини сепиш тур- ли эпидемиялар, оммавий заҳарла- ниш каби омилларни кучайтириши ва ўша ҳудудда илгари ҳеч учрамаган ка- салликларни келтириб чиқариши мумкин экан.

Албатта, кўпчиликни таҳликага солаётган бундай мисоллар билан ген мавзуси юзасидан ягона ҳулосага ке- лиш мушкул. Чунки бу йўналишда та- дқиқот ва изланишлар ҳануз давом эт- моқда. Қачонлардир гени ўзгарган маҳ- сулотлар инсониятни очлик ва қаш- шоқлик домидан олиб чиқар. Лекин унинг инсон саломатлигига хавф ту- дириши мумкинлигига оид мисоллар бу борада жиддийроқ бош қотириш- ни тақозо этмоқда.

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

«ТИТАНИК»НИНГ ҚАЙТИШИ



Австралиялик миллиардер — «Титаник» фильмининг ападдий ихлосманди Клайв Палмер машҳур лайнернинг нусхасини қуришга киришди.

Кема конструкторларининг таъкидлашича, янги «Титаник» тарихдагисидан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Кема бошқарувида электрон кутқарув тизимининг мавжудлиги, барча круиз талабларига жавоб берадиган замонавий ускуналар билан жиҳозланиши шулар жумласидандир. Палмер кемани қуриш ишларини Хитойнинг CSC Jinling компаниясига топштиргани хабар қилинмоқда.

Замонавий «Титаник»нинг биринчи қатнови 2016 йилда Сауттемптон— Нью-Йорк йўналишида очилади. Ҳозирдаоқ 40 мингга яқин йўловчи кемада саёҳат қилиш мақсадида чипта сотиб олиш учун хоҳлаган маблағни тўлашга тайёр эканликларини маълум қилган.

БИРИНЧИ АЁЛ ПРЕЗИДЕНТ



Сеулдаги марказий Еийдо районида жойлашган миллий кенгаш биноси олдидаги майдонда Жанубий Кореянинг биринчи аёл президенти номига мушарраф бўлган Пак Кин Хе қасамёд қабул қилди. 70 минг киши ҳузурда нутқ сўзлаган Хе хоним ўз халқини бахтли қилишга ва мамлакат маданиятини янада ривожлантиришга ваъда берди. Шунингдек, у мамлакатга отаси раҳбарлик қилган даврда инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ барча ҳолатлар учун узор сўради. Таъкидлаш жоиз: Пак Кин Хе марҳум собиқ давлат бошлиғи Пак Чон Хиннинг қизи бўлиб, унинг отаси 1961-1979 йилларда Жанубий Корея президенти лавозимида ишлаган.

Ёслатиб ўтамиз, сайловлар 2012 йилнинг декабрь ойида ўтказилган эди.

ЯРИМ ТОННАЛИ КАПУЧИНО

Римда ўтказилган Rimini Notesa Ехро халқаро ярмаркасида 417 литр миқдорида капучино қажваси тайёрланди. Бу янгиллик Гиннесснинг рекордлар китобидан жой олган. Ушбу ичимликни тайёрлаш учун улкан финжонга 200 литр сут ҳам солиниб, уни тайёрлашга 5 киши 10 соат вақт сарфлаган. Маълумотларга қараганда, ушбу қажва миқдори 16 минг оддий финжон сизгига тенгдир. Ичимлик Римдаги хайрия ташкилотларига юборилган.

«ГРИПП»НИНГ УЙИ КҲЙДИ



Канада, Австралия ва Буоқ британиялик бир гуруҳ олимлар грипп вирусининг ҳар қандай кўринишига қарши кураша оладиган препарат устида иш олиб бормоқдалар. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, ҳар йили ушбу эпидемия туфайли сайёраимизда 500 мингга яқин киши ҳаётдан кўз юммоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, DFSA дея аталган маскур вакцина гриппнинг одам организмда жуда енгил ўтишини таъминлайди, яъни вирусни инсон организмдаги соғлом таначаларга кириб боришига тўсқинлик қилади ва нобуд бўлишига олиб келади. Ушбу препарат дунё фармацевтика бозорида 6-7 йилдан сўнг пайдо бўлиши айтилмоқда.

МАДАГАСКАР ДОВУЛ ОСТИДА ҚОЛМОҚДА



Хабарларга қараганда, Мадагаскар оролида юз берган «Хорун» тропик довули оқибатида ҳалок бўлганлар сопи ҳозирча 10 кишига етган. Яна 90 га яқин киши табиий офат туфайли қаттиқ азият чекмоқда. Соатига 200 километр тезликда эсган кучли довул, айниқса, мамлакатнинг жануби-ғарбида жойлашган Моромбе шаҳрига катта зиён етказган. Таъкидлаш жоиз: Мадагаскарнинг денгиз соҳилларида ҳар йили февраль ва май ойлари оралиғида ана шундай тропик тўфонлар авж олади. Утган йили рўй берган «Жованна» ва «Ирина» довуллари 112 кишининг ҳаётига зомин бўлган эди.

Эълон

Тошкент шаҳар Яккасарой туман ҳокимлигининг 2009 йул 5 июндаги 004600-11-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган «ARSTEL Consulting Tashkent» масъулияти чекланган жамияти тугатилади. (ИНН 301212977, ОКПО бўйича коди 22825451) Эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 53Б-уй. Телефон: 180-00-81.

Самарқанд вилоятидаги Каттакўрғон педагогика билим юрти томонидан 2003 йил 10 июлда Асқарова Ёдгора Закиржановна номига берилган 125490-рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Сўнгги саҳифа

Янги авлодга янгича эътибор

Тил билмоқ — дунёни англамоқ, дегани

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА КЎРА, 2013-2014 ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БИРИНЧИ СИНФЛАРИДА ЎЙИН ТАРЗИДАГИ МАШҒУЛОТЛАР ВА ОҒЗАКИ НУТҚ ДАРСЛАРИ ШАКЛИДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ УЗЛУКСИЗ ЎРГАТИШ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Шўхрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»

Маълумки, бутунги тараққиёт замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятлари ва жаҳон илм-фани ютуқларидан кент фойдаланишни тақозо этмоқда. Шу маънода ҳам хорижий тилларни чуқур ўрганиш заруратга айланди, десак муболаға бўлмайди.

Бунинг учун Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркибидagi ишчи гуруҳлар томонидан таълим стандартлари, режа ҳамда ўқув дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги матбуот хизматидан олинган маълумотда қайд этилишича, айни пайтда умумтаълим мактабларининг I ва 9-синф ўқувчилари учун янги давлат таълим стандартлари лойиҳаси ишлаб чиқилган. I-синфларга мўлжалланган дарслик ҳамда ўқув-методик мажмуалар яратиш бўйича ҳам изланишлар олиб борилмоқда. 5 ва 9-синфлар учун амалдаги ўқув дастурлари тақомиллаштирилиб, дарсликлар ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари билан узлуksизлиги ва узвийлиги тақомилланган ҳолда қайта ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу адабиётлари янги ўқув йилида ўқувчиларга бепул етказиб берадигари уларга электрон иловалар ҳам тақдим этилиши кўзда тутилаётир.

Диққатга сазовор томони шундаки, биринчи синфлар учун яратиладиган мажмуалардаги ўйин-машғулотларнинг болалар ёшига мослиги таъминланади. Бола хорижий тил оламига илк қадамни танишув, саломлашиш маданияти, ранглар ва кўндалик сўзларни диалог шаклида ўрганишдан бошлайди.

Дарҳақиқат, дарс самардорлиги ва ўқувчининг фанга иштиёқини оширишда ноъанавий методлар катта аҳамиятга эга. Масалан, болаларга дастлаб «Мева номлари», «Касблар», «Уй жиҳозлари» каби мазмулардаги машқларни ўйинлар ёрдамида бажартириш мумкин. Кейин эса булар компьютердаги ранг-баранг тасвирларга уйғун ҳолатда кўрсатилса, ўқувчининг нуқти ривожланиб, атроф-бўриққа муносабат доираси ҳам



кенгайди.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ходимлари бу борада мазмуларни тушунтиришда ўзбек адабиёти материалларидан ҳам фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Абдурашид Хундибаев,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими бошлиғи:

— Айни пайтда марказимизда хорижий тиллар (инглиз, француз, немис)да электрон ахборот-таълим ресурслари ҳам яратилмоқда. Фанлардан тасвирий аудиолюғат, таълимий электрон ўйинлар, билмларни мустақамлаш учун ишланмаларни турлича усулда қўллашга ҳаракат қилаёмиз.

Марказда «Таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш» ва «Умумтаълим фанлари бўйича мултимедиа иловаларини ишлаб чиқиш методикаси» мазмуларига кўп босқичли семинар-тренинглар ташкил этилмоқдаки, тайёргарликдан ўтган тингловчилар, ўз навбатида, мактаблардаги барча фан ўқитувчилари, жумладан, инглиз тили мутахассисларини АКТ аниқликларидан бохабар этишяпти.

Айтиш мумкинки, тил ўрга-

нувчилар ва ўргатувчилар вазирлик интернет порталига кириб, «Talking American?», «Funny English for children», «Kattalar uchun ingliz tili — «Английский язык для взрослых» сингари электрон ресурслар орқали масофали таълим имкониятларидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Қолаверса www.uzedu.uz сайтининг «Педагогларга» бўлими «Методик тавсиялар» рукнидаги илғор тажрибалар, www.multimedia.uz расмий сайтининг яқинда ташкил этилган «Хорижий тилларни ўрганиш» бўлимидаги энг сўнгги маълумотлар, методика ва ўйинлар ҳам ўқитувчилар ишини оsonлаштиришга хизмат қилади.

Бернора РЎЗИЕВА,
Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби инглиз тили ўқитувчиси:

— Инглиз тили дарсларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш ҳар бир бола билан алоҳида шугулланиш имконининг беради. Масалан, «Йўла, изла, топ» мантикий электрон ўйинида киши юз шаклининг беш хил кўриниши — қайғули, кулгили, жаҳд, илтиҳо ва ҳайрат ҳолатлари акс этган тасвирлар остида инглизча сўзлар ёзилган. Ўқувчи тегишли тугмани босиб, тўғри жавоб қайтарса, «Баракалла», деган оққини янграйди. Агар жавоб нотўғри бўлса, «Уйлаб кўриш», деган оғоҳлантириш эшитилади. Ушбу электрон ўйин болаларнинг диққа-

тини жамлаб, мантикий фикрлашга ўргатади.

Йитирма йиллик тажрибага таяниб айтишим мумкинки, ўқувчиларни муомала маданиятига ўргатишда кўпроқлардан фойдаланиш яхши самара беради. Болалар кўпроқча исм қўйиб, баъзи ҳаракатлар ва рангларни фарқлашга уринишлари. «Please, give me...» (Илтимос, менга ... бер). «At the toy shop» (Ўйинчоқ дўконидан), «What is your name?» (Исмингиз нима?) каби диалогларда кўпроқча орқали болажонларнинг эътиборини тортиш оson кечади.

Мутахассисларнинг фикрича, 6-7 ёшда бола иккинчи тил ўрганишга ҳам физиологик жиҳатдан тайёр бўлади. Аммо бу даврда таълимий ўйинлар орқали мантикий ва ижодий фикрлаш қобилиятини ўстириш, ҳаракатли материаллар ёрдамида ҳайвон номлари, уй-рўзгор буюмлари ва айрим кичик деталларни эслаб қолиш етарли. Унутмаслик керакки, чет тилини ўрганиш борасидаги дастлабки қадамлақ болани ортиқча зўриқтириш акс натижа бериши ҳам мумкин. 2013-2014 ўқув йилидан умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида хорижий тилларни узлуksиз ўқитиш йўлга қўйилар экан, давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, дарслик ҳамда ўқув-методик мажмуаларни яратишда айни шу жиҳат ўқитувчиларнинг диққат марказида бўлиши лозим.



АВТОБУС УЧУН ҲАМ ЖЕТОН ЧИҚАРИЛАДИ

Жорий йилнинг I мартидан бошлаб Тошкент шаҳри автобус ва трамвайлари хизматидан фойдаланувчи йўловчиларга йўл ҳақи тўловини нафақат нақд пул, балки жетонлар ёрдамида ҳам амалга оширишлари мумкин бўлади.

Маълумотларга кўра, «Тошшаҳартрансхизмат» ассоциацияси бу қарорга пластик карточкалардан фойдаланувчи йўловчиларга қулайлик туғдириш мақсадида келган. Ўз навбатида, махсус жетонлар ойлик чипталари дўконларида сотилишини айтиб ўтиш жоиз.

МИРЗО УЛУГБЕК ВИРТУАЛ МУЗЕЙИГА МАРҲАМАТ!

Кўҳна ва ҳамisha навқирон шаҳарда Самарқанд Давлат бирлашган тарихий-меъморчилик ва бадиий музей-қўриқхонаси ташаббуси билан матбуот анжумани ташкил этилди. Маълумотларга кўра, ҳозир мазкур музей-қўриқхона ҳисобида 2300 та маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, шундан 1500 таси археология, 650 та меъморий ва 150 таси монументал ёдгорликларга мансуб.

— Ўтган йили муассасамиз томонидан бой маданий меросимизни асраш ва ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, — дейди Самарқанд Давлат музей-қўриқхонаси бош директори Маҳмуд Бобоёров. — Сўзимиз исботи сифатида «Ўзбекистон тарихий обидаларидаги ёзув дурдоналари» китобининг иккинчи томи нашр этилгани, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб 3D форматда ўзбек, инглиз ва рус тилларида Мирзо Улуғбек виртуал музейи яратилиб, мазкур манба музейнинг интернет-сайтига joyлаштирилганини айтиб ўтиш жоиз. Бундан ташқари 2012 йилда Хўжа Дониёр мақбараси, Афросиёб музейи, Абу Мансур ал-Мотурудий мажмуаси, Уруғдаги «Чор-чинор» мажмуаси, Пурубоддаги Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи, Иштихон ва Пахтачи туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳридаги музейларда мукамал таъмирлаш-қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Эътиборлики, 2008 йилдан буён мактаб ўқувчилари учун мазкур музейларнинг барчасига кириш бепул.

Муҳаббат Равшанова тайёрлади.

ТАЛИМАРЖОН ҚУВВАТИ ОРТМОҚДА

Мамлакатимиз санъатининг энг замонавий ва етакчи корхоналаридан бири ҳисобланмиш Талимаржон иссиқлик электр станциясида соатига 800 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқаришга қолдир қудратли энергоблок фойдаланишга топширилди. 2004 йилнинг 18 ноябрида ишга туширилган станция турдош корхоналар орасида энг кам ёнилғи сарфлаб, энг кўп электр қуввати ишлаб чиқариши билан ажралиб турлади.

— Айни пайтда станциямизни кенгайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди корхона директори, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Бахтиёр Шарипов. — «Талимаржон иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 450 МВтга тенг иккита бут-газ қурилмасини барпо этиш орқали ИЭСни кенгайтириш» лойиҳаси бўйича эълон қилинган халқаро тендерда Жанубий Кореянинг «Daewoo» ва «Hyundai» компаниялари консорциуми ғолиб чиқди. Бундан ташқари умумий қиймати 1 миллиард 280 миллион АҚШ долларини ташкил қиладиган мазкур лойиҳага «Ўзбекэнерго» ДАК ҳамда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари билан бир қаторда Осиё Тараққиёт банки ва Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг кредитлари ҳам жалб этилиши айтилмоқда. Сайфулла ИКРОМОВ тайёрлади.

Осиё Чемпионлар лигаси

«ПАХТАКОР» «АЛ ИТТИФОҚ»НИ, «БУНЁДКОР» ЭСА «ХИРОСИМА»НИ ТАСЛИМ ЭТДИ

Осиё Чемпионлар лигаси мусобақасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладиган ҳар икки клубимиз учун 2013 йилги мавсум омадли бошланди. Хусусан, ана шу нуфузли турнир гуруҳ босқичининг I-турида Саудия Арабистонининг «Ал Иттифоқ» жамоасини ўз майдонида қабул қилган «Пахтакор» 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган бўлса, Японияга сафар уюштирган «Бунёдкор» футболчилари маҳаллий «Хиросима Санфречче» дарвозасига жавобсиз иккита тўп киритдилар.



Таъкидлаш жоиз: «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтган учрашувнинг 62-дақиқасида «шерлар» посбони Александр Лобанов тошкентликлар дарвозаси томон белгиланган пенальтини қайтаришга эришиши ушбу ғалабага замин яратиб берди. 72-дақиқада эса энди захирадан майдонга туширилиб, ўзи учун яратилган биринчи имкониятдан унумли фойдаланган Темуруҳжа Абдухалиқов ҳисобини очишга муваффақ бўлди: саудиялик дарвозабон Файз Собия «пахтакор»чи Владимир Козакнинг чамаси 30 метрлан йўллаган жарима зарбасини қайтарган бўлса-да, тўпни қўлдан чиқариб юборди. Қайтган тўпта биринчи бўлиб етиб келган Темуруҳжа уни ҳеч қандай қийинчиликсиз рақиб дарвозасига жойлади.

1994 йилда Ўзбекистон миллий терма жамоаси учун зафар майдонида айланган (ўша йили Рустам Акрамов мураббийлигидаги терма жамоамиз Осиё ўйинлари ғолиблигини қўлга киритгани) «Хиросима Биг Арч» стадионида бўлиб ўтган учрашувдаги ҳисоб эса «қалдирғочлар» сафига яқинда қўшилган украиналик Александр Пишур томонидан очилди. 44-дақиқада япониялик дарвозабон бўйдор легионеримизнинг боши билан берган зарбаси олдида ожиз қолди. Уйин тугатишга озгина вақт қолганида эса бир неча ҳимоячини алдаб, рақиб посбони билан яккама-якка чиқишга эришган Фозил Мусев ҳисобини 2:0 га етказди. 2-турда «Пахтакор» (12 март) БААнинг «Ал Шабо» жамоаси меҳмони бўлса, «Бунёдкор» (13 март) Тошкентда Ж.Кореянинг «Поханг Стилерз» клубини қабул қилди.

Шўхрат ХЎЖАЕВ тайёрлади.

Янгиликлар

РАССОМЛАРИМИЗ АСАРЛАРИ SOTHEBY'S КЎРГАЗМАСИДА

Лондондаги «Нью-Бонд Стрит» галереясида жаҳонга машҳур Sotheby's аукцион уйи томонидан ўтказиладиган кўргазма-саволдара ўзбекистонлик рассомларнинг санъат асарлари ҳам қўйилди.



Fundforum.uz сайтида хабар қилинишича, «MEROS» Ўзбекистон антикварлари уюшмаси кўмаги остида жорий йилнинг 2-4 март кунлари ташкил этиладиган маданий тадбирда Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари ижодкорларининг 50 та картинаси намоиш этилади.

«Чорраҳада» деб номланган кўргазма-ярмаркада чет эллик тасвирий санъат ихлосмандлари эътиборига Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозғоистон, Қирғизистон, Тожикистон, Тожикистон ва Ўзбекистон рассомлари, жумладан, Раҳим Аҳмедов, Мурод Қорабоев, Жамол Усмонов ва Александр Барковский каби ҳамюртларимизнинг асарлари ҳавола этилади.



ЯНА БИТТА ПИРАМИДА

Бельгиянинг Гент ва Брюссель университети археологлари Мисрнинг юқори қисмидаги Луксор шаҳрида ўтказилган қазилмалар пайтида янги пирамидани очилди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу пирамидада қадимий Мисрнинг буюк фиръавнларидан бири — Рамсес II дафн этилган. Обида эрамиздан аввалги 1200-1300 йилларга тегишли экани тахмин қилинмоқда.

МОВИЙ РАНГЛИ ОРХИДЕЯНИ КЎРГАНМИСИЗ?

Япониялик олимлар кўп йиллик тажрибалардан кейин дунёда биринчилардан бўлиб «Фаленопис» туркумига кирувчи мовий ранглиги орхидеяни ўстиришга муваффақ бўлишди. Ушмиликни култивация қилишда қўлланганидан нобъ технология Тибба университетининг ген инженерияси бўйича олимлари томонидан ишлаб чиқилди.



Шу ўринда мазкур гулларда мовий ранг учун жавобгар ген йўқлигини айтиб ўтиш жоиз. Гул дўконларида шундай рангдagi гуллар тез-тез учраса-да, бунга уларни турли усулларда бўйиш орқали эришилади. Япон олимлари бундай натижага «Фаленопис Афродита» гули ҳамда Осиё коммелинасидадан мовий ранг учун жавоб берадиган генини ажратиб олиш орқали муваффақ бўлишди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мовий орхидея гулининг диаметри 5 сантиметр атрофида бўлиб, бу ёввойи табиятда учрайдиган турдошларига нисбатан бироз кичикроқдир. Бироқ янги навнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг ҳар бир тупида 30 тагача гул очилиши мумкин.

Реклама

ДЕҚДОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКАРИ, ҚУРНИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Анджон шаҳридаги «ИДЕАЛ ИНТЕР ФАРМ» МЧЖ чекланмаган миқдорда металл сеткаларини етказиб беришини маълум қилади.

Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек, буюртмачи илтимосига кўра, махсуслот етказиб бериш учун транспорт хизмати кўрсатилиши мумкин.

Минимал: Анджон шаҳри, А.Мўлдошев кўчаси, 3а-йў. Тел: (+99899) 540-11-01/260-11-01/ (+99899) 490-21-59 Маҳсулот сертификатланган

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ВАЗИРЛИК, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ШАРҚ ИМП ЭКС» туристик компанияси Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива шаҳарлари бўйлаб барча қулайликларга эга бўлган саёҳатлар уюштиришини маълум қиладди.

Нархлар келишилган ҳолда амалга оширилади.



Маълумот учун телефонлар:
(+99898) 273-02-95, (+99895) 507-04-60
Хизматлар лицензияланган!